

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“БАНК-МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ” ФАКУЛТЕТИ

“МОЛИЯ ВА СУҒЎРТА ХИЗМАТЛАРИ” КАФЕДРАСИ

“Химояга тавсия этилди”

Кафедра мудири, проф.

Ж.Р.Зайналов

Баённома №_____ 2018 йил май

5230600 – “Молия” таълим йўналиши

**МК-414 гуруҳ талабаси Амонов Зойирнинг
«Солиқ юкини аниқлаш мезонлари ва ставкаларини
оптималлаштириш йўллари (Сурхондарё вилояти Сариосиё
туман ДСИ маълумотлари бўйича)» мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: и.ф.н. Хусанов Б.Ш.

Илмий маслаҳатчи: Рахимов З.А.

Самарқанд шаҳар ДСИ Юридик камерал
назорат бўлими бошлиғи.

САМАРҚАНД – 2018

Мундарижа

Кириш.....	3
I.Боб. Солиқ юкини аниқлаш мезонларини назарий асослари	
1.1.Солиқ юкини аниқлаш мезонлари табиати иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ахамияти.....	8
1.2.Солиқ юкини хисоблашда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланган солиқлар миқдорини тақослаш орқали солиқ юкини хисоблашнинг ахамияти.....	11
1.3.Солиқ юкини зарурияти.....	мақбуллаштириш 15
II.Боб.Хўжалик юритувчи субъектларида солиқ юкини хисоблаш амалиёти ва тартиби.	
2.1.Хўжалик юритувчи субъектларга тўғри келадиган солиқ юкини хисоблашни амалиётдаги тартиби.....	20
2.2.Хўжалик юритувчи субъектларида солиқ юкини ифодаловчи кўрсаткичлари тахлили.....	24
2.3.Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ юкини хисоблашда ягона солиқ тартиби.....	тулаш 32
III Боб. Солиқ юкини мезонларини ва солиқ юкини оптималлаштириш истиқболлари.	
3.1.Солиқ юкини пасайтириш сиёсатини бюджетнинг харажатлар қисмини оптималлаштириш чоралари билан боғлиқлигини таъминлаш омиллари.....	38
3.2.Солиқ юкини оптималлаштиришда солиқ харажатларини тахлили.....	45
3.3.Солиқ юкини пасайтиришда солиқ имтиёзларини таъсирини ошириш истиқболлари.....	52
IV.Боб. Сурхондарё вилояти Сариосиё туман ДСИда ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташқил этиш йўллари	
4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	57
4.2.Сурхондарё вилояти Сариосиё туман ДСИ ходимлари меҳнат ва ёнгин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари.....	59
4.3.Сурхондарё вилояти Сариосиё туман ДСИ да фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора- тадбирлари.....	64
4.4.Сурхондарё вилояти Сариосиё туман ДСИ да фаолият кўрсатаётган	71

ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари	ва	уни	мукаммалаштириш йўллари.....	
Хулоса ва таклифлар.....				73
Фойдаланилган			адабиётлар	
рўйхати.....				76

Кириш

Мамлакат иқтисодий сиёсатининг асосий негизини солик сиёсати ташкил қиласди. Соликлар нафақат давлатнинг, балки солик толовчиларнинг ҳам манфаатларини ўзида мужассам этади. Шу жиҳатдан ушбу масалага ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамият берилиб, уларнинг мазмун-моҳияти чуқур таҳлил қилинмоғи лозим. Солик муаммолари таркибида солик юки муҳим аҳамият касб этади. Зоро, солик, юки мамлакат иқтисодий қудратига, аҳолининг ижтимоий аҳволига, корхоналарнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигига бевосита боғлиқдир. Улар бир-бирига узаро таъсир қилувчи омиллардир. Булар инобатга олинадиган булса, солик, юкини таҳлил қилганда соликларга фақат давлат ёки солик толовчилар нуқтаи назаридан қараб бўлмайди. Уларга ҳар қандай вазиятда атрофлича ва тизимли ёндашмоқ лозимлигини ва мавзунинг долзарблигини англаатади.

Маълумки, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида макро ва микро иқтисодиётни ҳам давлат узининг молиявий дастаклар орқали бошқариб боради. Соликлар ушбу молиявий дастакларнинг энг асосий унсурларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли хужалик юритувчи субъектларга тўғри келадиган солик, юкининг оптимальлиги мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг барометри ҳисобланади.

Соликлар қандай (юқори ёки паст) даражада булиши кераклиги тўғрисидаги масала соликка тортишнинг амалий муаммоларидан бири ҳисобланади. Соликларни кемайтириш борасидаги талабларни тўғри ва хаққоний баҳолаган ҳолда, давлатнинг хўжалик тизимиға юклатилган бошқа

вазифаларини хам, хусусан, ижтимоий масалалар, фундаментал фанларни ривожлантириш давлатнинг мудофаа қобилиятини таъминлашга хам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Макроиктисодий нуктаи назардан қараганда, солиқ юкини баҳолашда давлатнинг иқтисодий сиёсати билан хам ҳисобланиши талаб этилади. Хар қандай давлат тизими фаолият курсатиши учун унинг узига яраша даромадлари ва ҳаражатлари булиши керакки, уларни хар доим мутаносиб равишида шакллантириб боришга ҳаракат қилинади. Давлат бюджетининг даромад ва ҳаражат қисмлари узига хос мустакил категория сифатида шаклланиш ва сарфланиш хусусиятларига эга. Чунки, даромад қисми дазлат молиясининг манбаи ҳисобланса, ҳаражат қисми эса умумдавлат талаб ва эҳтиёжларини қондиришга йуналтирилади. Шунингдек, бюджетнинг шаклланиш жараёниги ижтимоий тузумда ташкил топган хўжалик юритиш шакли, жамиятда хал этиладиган устувор масалалар таъсир ўтказади.

Муаммонинг урганилганлик даражаси. Солиқ юкини молиявий тахлилнинг муҳим вазифаларидан бири урганилаётган обьектга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг аниқ таъсирларини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Аммо солиқ юки таҳлили ва унинг узгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш юллари мамлакатимиз олимлари ва хорижий олимларнинг ҳам солиқقا бағишлиланган иқтисодий адабиётларида, хусусан, иқтисодий тахлилга бағишлиланган адабиётларда ҳам қараб чиқилмаган. Буларни инобатга олиб солиқ, юига таъсир қилувчи омилларни, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йулларини иқтисодий таҳнилнинг анъанавий усулларини қуллаган ҳолда ишлаб чиқдик ва амалиётга тавсия қилмоқдамиз.

БМИ нинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. БМИ Сам ИСИ “Молия ва сугурта хизматлари кафедраси илмий – тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади - ривожланиш жараёнидаги мамлакат иқтисодиётида солиқ туловчилар зиласига тушадиган солиқ юкини аниқлаш

мезонлари ва солиқ ставкаларини оптималлаштириш ва самарали бошқариш орқали такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. БМИ да қуйилган мақсадга эришиш учун қуийидаги вазифалар белгилаб олинди:

- солиқ юкини аниқлаш мезонлари табиати иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ахамиятини ўрганиш;
- солиқ юкини мақбуллаштириш заруриятини аниқлаш;
- хўжалик юритувчи субъектларга тўғри келадиган солиқ юкини хисоблашни амалиётдаги тартиби баҳолаш;
- хўжалик юритувчи субъектларида солиқ юкини ифодаловчи кўрсаткичлари тахлилини ёритиш;
- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ юкини хисоблашда ягона солиқ тулаш тартиби ёритиб бериш;
- солиқ юкини пасайтириш сиёсатини бюджетнинг харажатлар қисмини оптималлаштириш чоралари билан боғлиқлигини таъминлаш омилларни гурухлаш орқали урганиш;
- солиқ юкини оптималлаштиришда солиқ харажатларини тахлилини ўрганишга эришиш;
- солиқ юкини пасайтиришда солиқ имтиёзларини таъсирини ошириш истиқболларини таъминлаш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши.

Тадқиқот обьекти бўлиб, иқтисодиётда солиқ юкини аниқлаш мезонлари ва солиқ ставкаларини оптималлаштириш билан боғлиқ молиявий муносабатлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Солиқ юкини аниқлаш мезонлари ва ставкаларини оптималлаштириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. БМИ да иқтисодий таҳлил, мантиқий, қиёсий таҳлил ва маълумотларни гурухлаш, усууларидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- солиқ юкини аниқлаш мезонлари табиати иқтисодий барқарорлигини таъминлаш асосланди;
- солиқ юкини мақбуллаштириш зарурияти илмий жихатдан асосланди;
- хўжалик юритувчи субъектларга тўғри келадиган солиқ юкини хисоблаш тартиби ўрганилиб чиқилди;
- хўжалик юритувчи субъектларида солиқ юкини ифодаловчи кўрсаткичлари тахлили ёритилди;
- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ юкини хисоблашда ягона солиқ тулаш тартиби ёритиб берилган;
- солиқ юкини пасайтириш сиёсатини бюджетнинг харажатлар қисмини оптималлаштириш чоралари билан боғлиқлигини таъминлаш омилларни гурухлаш орқали урганиш;
- солиқ юкини оптималлаштиришда солиқ харажатларини тахлилининг истиқболини белгилаш лозимлиги илмий жихатдан асосланган.

Илмий янгилиги:

- ✓ солиқларнинг туловчиларга тушадиган солиқ юкини камайтириш ёрдамида иқтисодиётда кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожланишини таъминлаш;
- ✓ хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини бундан кейин ҳам камайтириб бориш йўли билан улар ихтиёрида қоладиган маблағларни айнан, фаолиятни кенгайтириш орқали қўшимча иш ўринларни яратиш, техник модернизациялаш ва инновацион фаолиятга йўналтирилишини таъминлашга эришиш;
- ✓ солиқларни хисоблаш ва ҳисобини юритишни ихчамлаштириб бориш ҳамда уларни бюджетга ундириш механизмини такомиллаштириш;
- ✓ солиқ имтиёзлари ва преференцияларни унификациялаш орқали берилиши орқали хўжалик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш;

- ✓ хўжалик юритувчи субъектлар, аҳоли билан солиқ органлари ўртасида солиқ муносабатлари борасида online интерактив хизматларни ривожлантириш;
- ✓ солиқ маъмурчилигини соддалаштириш ва такомиллаштириб усуллари ёритилди ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи. Тадқиқот иши натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унинг натижаларидан солиқ тизимини такомиллаштириш, келажакда чуқур ўрганишга бағишлиланган маҳсус тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот иши натижаларининг амалий аҳамияти, БМИ нинг илмий таклиф ва амалий тавсиялари республикамиз солиқ юкини оптималлаштириш орқали солиқ тизимини соддалаштиришни таъминлашга оид қонун ва қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқишида фойдаланиш билан белгиланади.

БМИ материалларидан олий ўқув юртларида “Соликлар ва солиқка тортиш”, “Солик назарияси”, “Молия” фанларини ўқитишида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва тавсиялар Сурхондарё вилояти Сариосиё туман ДСИ томонидан 2018 йил май ойида тузилган далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот ишнинг синовдан ўтиши. БМИ нинг асосий ғоя ва хулосалари “Молия ва сўғўрта хизматлари” кафедрасининг илмий семинарларида ва кафедра мажлисида муҳокама қилинган ва химояга тавсия этилган.

БМИнинг тузилиши ва таркиби. БМИ нинг таркибан кириш, тўрта боб, хулоса ва таклифлар адабиётлар рўйхатидан ташқил топган. БМИ да 4 та диаграмма, 7 та жадвал мавжуд.

I.Боб. Солиқ юкини аниқлаш мезонларини назарий асослари.

1.1.Солиқ юкини аниқлаш мезонлари табиати иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ахамияти.

Корхонага солиқ, солинди, у солиқларни муңтазам тулаб бормоқда. Буни корхоналардаги солиқ, юкини баҳолашни билиш лозим. Бу эса солиқ юкини қандайdir мезонга ёки меъёрға солиштиришни тақозо қилади. Аммо бундам мезон, ушбу масаланинг адабиётларда ёритилиши буйича хулоса қиладиган булсак ҳамон хорижда ҳам, мамлакатимизда ҳам ишлаб чиқилмаган.

Макро ва микроиктисодиёт даражасида солиқ юкини ҳисоблаш буйича олимларимиз томонидан бир қанча усуллар таклиф этилган. Бундай солиқ юкини аниқлаш усуллари мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларга мос тарзда ишлаб чиқилмоқда. Чунки солиқ, юкини аниқлашда ҳар бир давлатнинг олиб бораётган иқтисодий аҳволи ва шу мамлакатнинг солиқ, сиёсатидан келиб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Солиқ юкини назарий жиҳатдан таҳлил қилганда унга иқтисодиётнинг макро ва микродаражаси нуқтаи назаридан қараш лозимдир. Макродаражада солиқ, юкига ушбу соҳанинг етакчи олимларидан бири Т.Маликовнинг¹ фикри етарли даражада асосланганлиги боис ушбу соҳага тўхталмадик.

Бироқ шуни этироф этиш керакки, ҳозирги пайтда солиқка тортиш назаритаси ва солиқни режалаштириш амалиётида хужалик юритувчи

¹ Маликов Т. Солиқ юки оғирлигини кескин камайтириш керакми? УзР ДСҚ Солиқ, академияси. - Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси иашриёти, 2006. 32-бет.

субъектларга тўғри келадиган солиқ юкини ҳисоблаш, дунё миқёсида, энг муҳим ҳамда баҳсли муаммолардан бири булиб қолмотқда. Шу туфайли ушбу муаммонинг айрим жиҳатларига тухталиб утамиз.

Мазкур масалани таҳлил қилганда унга ҳам давлат, ҳам солиқ туловчилар манфаатлари нуқтаи назаридан караб, ушбу субъектларнинг манфаатларини мувофилаштирувчи ҳолатга олиб қилишга ҳаракат қилинмоғи лозим.

Мамлакатимизда солиқ юки қай аҳволда ёки корхоналарда солиқ юкининг даражаси қандай деган саволларга жавоб бериш учун, энг аввало, ушбу атамани мазмуни нималигини таҳлил қилиш лозим, деб уйлаймиз. Солиқ юки буйича нашр қилинган адабиётларда турли қарашлар мавжуд. Буларнинг айримларига тухталамиз.

Фарб олимларидан С.Фишер, Р.Дорибуш, Р.Шмалензилар солиқ юки солиқ туловчилар билан бирга шу маҳсулотни истемол қилувчиларга ҳам тушади, деб таъкидлайди.

Хусусан: «Солиқ юки бозорда ўз товарини таклиф қилганга ҳам ва уни ҳарид қилганга ҳам тушади бошқача айтганда, солиқ, ҳисобига фирманинг фойдаси камайганлиги ва охирги истеъмолчи даромадининг бир қисми ҳарид қилинган товарга ортиқча туланганилиги билан белгиланади.²

Ҳақиқатда, ҳар қандай солиқ юки провардида маҳсулотни истемол қилувчиларга келиб тушади. Бизнинг фикримизча солиқ юкига, бу ерда бевосита, солиқ туловчилар нуқтаи назаридан қараш мақсадга мувофиқдир.

Агар шу нуқтаи назардан қараладиган булса, солиқ юкига А.М.Азрилиян раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган катта иқтисодиётга оид луғатда келтирилган таъриф тўғрирок булади. Унда айтилишича: «Солиқ юки деганда солиқ туловчиларнинг бошқа

² Фишер С., Дорнбуш, Р., Шмалензи. Р Экономика. — М.: «Дело», 1999. — 386-бет.

юналишлардан ажратиб солиқ тулашга юналтирилган маблағълари билан боғлик иқтисодий чегаралаш даражаси тушинилади³.

Бизнинг фикримизча, ушбу таъриф бевосита солиқ толовчилар нұқтаи назарига түкти келсада, муаллифларнинг узлари таъкидлаганидек малум даражада чегараланган. Биринчидан, солиқлар демократик мажбурий толовдир. Иккинчидан, солиқ толовчилар малум даражада иш натижасида олинган даромаднинг бир қисмини тулайдилар. Шу жиҳатдан солиқларни «иқтисодий чегаралаш даражаси» деб булмайди.

Ушбу таърифлардан фарқли улароқ профессор Қ.Яхёев ушбу тушунчага қуйидагича таъриф беради: «Солиқ юки — толовчининг ҳамма солиқлар ва йиғимлар йиғиндисини бюджетта тулашдир. Солиқ юки фойдага ёки жами даромадга нисбатан олинади. Мамлакат миқёсида ҳамма туланган солиқ ва йиғимларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ҳам солиқ юкини ифодалайди»⁴. Мазкур таъриф солиқ юкининг макро ва микроиқтисодиёт даражасида ҳисоблаш учун асос буладиган жиҳатларни ўз ичига олган. Бироқ ушбу таъриф ҳам бизнинг фикримизча айрим камчиликлардан холи эмас.

Толовчилар кимлигига ва қайси бюджетта туланиши буйича аниқлик киритилмаган. Иккинчидан, таърифда турли йиғимлар хусусида гап бор. Аммо уларнинг бир қисми бюджетларга эмас, балки турли жамғармаларга утказилади. Учинчидан, хужалик юритувчи субъектлар ўз маблағларини турли жамғармаларга уз ихтиёрлари билан хайрия сифатида ўтказишлари ҳам мумкин. Лекин булар солиқларга кирмайди ва солиқ юкини ҳисоблаганды инобатта олинмайди. Туртинчидан, солиқлар ва бошқа толовлар оддий толов булиб қолмасдан, улар мажбурий қатъий белгиланган ставкада ва тартибда туланадиган булиши лозим.

³ А.Н.Азрилиян раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси. Большой экономический словарь.— М.: Институт новой экономики, 1999. - 89-бет

⁴ Яхёев Қ Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслік. Тошкент: «Г.Фулом», 2000. — 16-бет.

1.2. Солиқ юкини хисоблашда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланган солиқлар миқдорини тақослаш орқали солиқ юкини хисоблашнинг назарий ахамияти

Солиқ юкига нисбатан талаблар солиқ юкининг таърифини асосланишини тақозо қиласди. Хусусан, у солиқ ва бошқа толовларнинг табиатидан келиб чиқмоғи лозим. Агар шу нуқтаи назардан қарайдиган булсак Т.Тошмуродовнинг таърифи анча такомиллашгандир. Бунда айтилишича: «Солиқ юки — хўжалик юритувчи субъект ёки фуқаро тулайдиган барча солиқлар ва толовлар йифиндисининг даромадга нисбати»⁵. Ушбу таърифда солиқ ва толовларнинг табиати очиб берилган булсада, юқорида таъкидланган камчиликлардан холи эмас. Бунда ҳам толовчилар кимлигига ва қайси бюджетга туланиши буйича аниқлик киритилмаган. Турли йифимлар хусусида гапирилгани билан уларнинг бир қисми бюджетларга эмас, балки турли жамғармаларга утказилиши хусусида таъқиқланмаган. Солиқлар ва бошқа толовларнинг мажбурий қатий белгиланган ставкада ва тартибда туланадиган толов эканлиги хусусида ҳам эслатилмаган. Шундай қилиб, солиқ юкининг таърифи буйича ҳали олимларимиз ва амалиётчиларимиз бир тухтамга келишган эмас.

⁵ Тошмуродов Т. Солиқлар изохли лугат. — Тошкент: «Мехиат», 2003. — 116-бет.

Солиқ юкининг таърифи буйича мавжуд камчиликларни инобатга олиб, ушбу масалани назарий ва амалий жиҳатдан атрофлича ўрганиб, унга қуидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб топдик:

Солиқ юки деганда хужалик юритувчи субъект ёки фуқароларнинг давлат, маҳаллий бюджетга ҳамда турли жамғармаларга белгиланган ставка, тартибда туладиган барча солиқлар ҳамда туловлар йифиндисининг туловчилар ҳажмига, даромадга ёки бошқа солиқ объектига нисбати тушунилади.

Солиқ юки буйича олимларнинг қарашларини жамлаган холда қуидаги жадвални келтирамиз (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Солиқ юки буйича айрим олимларнинг қарашлари

Муаллифлар	Солиқ юкига берилган таъриф	Манба
С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензи	Солиқ юки бозорда уч товарини таклиф қилганга ҳам ва уни ҳарид қилганда ҳам тушади. Бошқача айтганда, солиқ ҳисобига фирманинг фойдаси камайганлик ва охирги истемолчи даромадининг бир қисми ҳарид қилинган товарга ортиқча туланганилиги билан белгиланади.	Экономика.- М.: «Дело», 1999 386- бет.
А.Н.Азрилиян раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси	Солиқ юки деганда солиқ туловчиларнинг бошқа юналишлардан ажратиб солиқ тулашга юналтирилган маблағлари билан боғлиқ иқтисодий чегаралаш даражаси тушунилади.	Большой экономичес- кий словарь. —М.: Институт новой экономики, 1999. 89- бет.
Қосим Яхёев	Туловчининг ҳамма солиқлар ва йифимлар йифиндисини бюджетга тулашдир. Солиқ юки фойдага эки жами даромадга нисбатан олинади. Мамлакат миқёсида ҳамма туланганды солиқ ва йифимларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ҳам солиқ юкини ифодалайди	Солиқка тортиш назарияси ва амалиёти. Да- рслик Тошкент: 2000. 16-бет.

Т.Тошмуродов	Хужалик юритувчи субъект ёки фуқаро гулайдиган барча соликлар ва туловлар йифиндисининг даромадга нисбати.	Солиқлар изоҳли луғат. - Тошкент: «Мехнат», 2003.16-бет.
Б.И.Исройлов	Солик юки деганда хужалик юритувчи субъект ёки фуқароларнинг давлат ёки маҳаллий бюджетга ҳамда турли жамғармаларга қаътий белгиланган ставкада ва тартибда тулайдиган барча соликлар ва туловлар йифиндисининг туловчиларнинг ҳажмига, даромадга ёки бошқа солик, обьектига нисбати тушунилади.	Мазкур ишда.

Навбатдаги вазифа солик юкини ҳисоблашдан иборатdir. Бу буйича ҳам олимларимиз ўртасида турли қарашлар мавжуд. Жумладан, Т.Тошмуродов солик юкини барча соликлар ва туловлар йифиндисининг даромадга нисбати⁶ билан белгиланишини курсатиб утадилар.

Професор Қ.Яҳёев эса солик, юкига кенгроқ қарайди. Унинг таъкидлашича: «Солик юки фойдага ёки жами даромадга нисбатан олинади. Мамлакат миқёсида ҳамма туланган солик, ва йифимларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ҳам солик юкини ифодалайди»⁷. Микроиқтисодиёт даражасида солик юки нафақат даромадга, балки фойдага нисбатан олиниши ҳам курсатиб утилган.

Бироқ айрим олимларимиз ва амалиётчиларимиз солиқни ким туласа шунга нисбатан унинг юкини ҳисоблашни тавсия қиласидилар. Масалан, Ш.К.Гатаулин: «Солиқни ким тулайди? Уни етиштирувчи ҳам, истеъмолчи ҳам тулайди»⁸, деб хулоса қиласиди ва ушбу масалани ёритиш жараёнида солик юкини ким булса шунга мос равишда тақсимлаш лозимлигини билдириб ўтади.

⁶ Тошмуродов Т. Соликлар изоҳли луғат. — Тошкент: «Мехнат», 2003. - 116-бет.

⁷ Яҳёев Қ. Соликса тортиш назарияси амалиёти. Дарслик. — Тошкент: «F.Улом», 2000. — 16-бет.

⁸ Гатаулин Ш.К. Соликлар ва соликка тортиш. Ўқув кўлланма. — Тошкент: ЎзР ДСҚ. 1996. 30 35 бет.

Мамлакатимизда солик, амалиёти ва назарияси билан шуғулланган, солиққа доир куплаб асарлар ёзган Д.И. Шаулов ва У.Т.Канлар солик, юки даражасини макроиқтисодиёт даражасида аниқлаш лозимлигини ўқтиради. Хусусан, уларнинг таъкидлашича «Солиқлар миллий даромадни давлат тасарруфига олишнинг энг муҳим воситасига айлангани сабабли, улар макро иқтисодиётни тартибга солишда борган сари муҳимроқ рол уйнамоқдаки, ЯИМ умумий ҳажмида солик, тушумлари салмогининг камайиши бунинг кўрсаткичи ҳисобланади»⁹. шундай қарашлардан куриниб турибдики, солик юкини аниқлашга олимларимиз ҳам, амалиётчиларимиз ҳам етарли даражада аҳамият берадиган эмас. Бунинг устига бирорта меъёрий ҳужжатда солик юкининг меъёри ёки мезони хусусида ҳам гап юритилган эмас.

Солик, юкини ҳисоблашда хужалик юритувчи субъектлар томонидан туланган солиқлар миқдорини тақослаш борасида иқтисодий адабиётларда турли кўрсаткичлар тулланилади.

Улардан бири корхона даромадидир. Ушбу кўрсаткич қуйидаги сабабларга кўра солик, юкини тулиқ ифода этмайди, деб уйлаймиз, Чунки биринчидан, даромад хорижий давлатлар корхоналарида ҳам, мамлакатимизда фаолият курсатаётган корхоналарда ҳам солиқларни тулашнинг ягона манбаи ҳисобланмайди.

Иккинчидан, бу кўрсаткичдан фойдаланиш солик, юки қийматининг ортишига ва салбий натижаларга олиб келиши мумкин, яни ушбу усуслдан фойдаланилганда солик, юки 100 фоиздан ошиб кетиши табиий.

Бундан ташқари солик, юкини ҳисоблашда айrim адабиётларда қушилган қиймат¹⁰ кўрсаткичидан ҳам фойдаланиш тавсия қилинади. Бир қараганда ушбу кўрсаткич жуда мақбул кўрсаткичга ўхшайди. Лекин шуни таъкидлаш керакки, қатор солиқлар, хусусан, мол-мулк солик кенг куламли солик базасига эга. Ушбу кўрсаткични ва у билан боғлиқ кўрсаткични қушилган қийматга киритиб булмайди.

⁹ Солик қонунчилиги асослари. Ўқув кўлланма / Тузувчилар Д.И.Шаулов, У.Т.Кан. Тошкент: «Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999. — 228-бет.

¹⁰ Пансков В.Г. Налоги и налогообложение в Российской Федерации. — М.: «Мир книги», 2000. -64-бет.;

Солиқ юкини ҳисоблаш буйича айрим олимлар фақат тушум күрсаткичидан фойдаланишни тавсия қиласы. Ушбу күрсаткичдан фойдаланиш асослаш учун услугий ёндашувларни, яғни қайси тушумдан фойдаланиш мақсадға мувофиқлигини аниқлаш керак болади. Масалан, В.Г.Панской каби қатор россиялик олимлар бундай күрсаткич сифатида сотилған маҳсулот миқдорини ҳамда бошқа сотищдан тушган тушумлардан фойдаланишни таклиф этади.

1.3. Солиқ юкини мақбуллаштириш зарурияты.

Солиқка тортиш назариясида солиқ юкини имкон қадар мақбуллаштиришга энг долзарб муаммо сифатида қаралмокда. Солиқ юки мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибидаги солиқлар миқдорининг шу маҳсулот хажмига нисбатидир. Амалиётда солиқ юкини фоизда ва коэффициентда хисоблаш кабул қилинган.

Купчилик холларда солиқ юки икки хил йўл билан аниқланади: **биринчисида** солиқларнинг фақат соғ миқдори инобатга олиниб, **иккинчисида** эса, солиқлар таркибига бошқа ижтимоий ажратмалар ёки бошқа мақсадли фонлларга ажратмалар хам қушиб хисобланади.

Солиқ юкининг оғирлигини фақатгина мамлакат микёсида эмас, балки алохига олинган тармоқлар, худудлар, корхоналар ёки хўжалик юритувчи субъектлар учун хам аниқлаш мумкин. Бунинг учун солиқ юки оғирлигини улчашнинг умумий тартибиға риоя қилиш керак. Бунда солиқлар, ижтимоий ёки бошқа мақсадли жамгармаларга ажратмалар миқдорини аниқлашда унчалик муаммо булмайди. Фақат тармок, худуд, корхона ёки алохига олинган ЯИМ ни аниқлашда баъзи муаммолар булиши мумкин.

“2017-йилгача асосий макроиктисодий күрсаткичлар” маълумотларига асосан, мамлакатимиз иқтисодиётида давлат иштироки улушкини 15-18 фоизгача камайтириш, ижтимоий соҳаларни муттасил ривожлантириб

бориш, ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатларини 5-6 фоизга олиб чиқиши ва иқтисодиётдаги солиқ юкини 24- 21 фоизга тушириш режалаштирилган. Бу, Ўзбекистон ЯИМнинг шунча қисми солиқларга тугри келади, демакдир. Европанинг ривожланган давлатларида эса, солиқ юки оғирлиги қўрсатгичи деярли 50%дан юкори. Масалан, Данияда 60%, Швецияда 58,4%, Норвегияда 55,3%, Финляндияда 53,1%, Бельгияда 51,5%, Голландияда 51,4%, Авсгрияда 47.5% ва Португалияда эса 45,7% ва хоказо.

Фанда солиқ юки оғирлиги 30-33% га етгунга қадар бу даража ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларига салбий таъсир қўрсатмаслиги исботланган. Бунинг айнан шундай эканлигини амалиёт хам тасдиклайди. Лекин, энг асосийси ва муҳими шуки, солиқ юкининг оғирлигини каматириш бюджет харажатлари хажмига, миқдорига боғлиқ. Бошқа шароитлар teng булган тақдирда, бюджет, яъни давлат хисобидан қилинадиган харажатларни камайтиrsак, давлат хам узи солиқ сиёсатида хўжалик юритувчи субъектлар ёки солиқ толовчилар зиммасига юклangan солиқ юкини камайтириш билан боғлиқ булган чора-тадбирларни амалга ошираверади. Илмий тадқиқотлар асосида айтадиган булсак, солиқ юкининг оғирлик даражаси ва бюджетдан қилинадиган харажатлар хажми ўртасида тўғри мутаносиб пропорционал боғлиқлик бор. Бюджетдан катта хажмдаги харажатлар қилиниши солиқ юки нисбатан оғир булишини тақозо эгади ва аксинча.

Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини янада камайтириш ишлаб чиқариш субъектлари фаолиятини тубдан ривожлантиришда хўжалик юритувчи субъектларни солиқка тортиш тизимини содлалаштириш ва солиқ юкини камайтириш муҳим вазифалардан бири эканлиги мамлакатимиз раҳбари томонидаи доимо тақидланиб келинмоқда. Маълумки, бозор иқтисодиёти амалиётида қулланиладиган солиқ юки мамлакатда яратиладиган ялпи ички маҳсулотга нисбатан ўрнатилиб, унинг даражаси турли мамлакатларда турличадир. Бундай холат мамлакатда олиб борилаётгай ижтимоий-иқтисодий сиёsat, унинг географик хамда геополитик жойлашуви ва бошқа қатор омиллар билан изохланади.

Мамлакатимизда хўжалик субъектларига нисбатан урнатилган солиқ юкининг ижобий жихатларини намоён этиш учун уни айrim мамлакатлардаги солиқ юки билан таққослаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ушбу мамлакатларда солиқ юки салмогининг ЯИМга нисбатан улушини куйидаги учта йирик тоифага ажратган холда караб чиқсак:

Биринчи тоифа - солиқка тортишнинг эиг юкори даражаси ЯИМга нисбатан 40 фоиздан ортикни ташкил этган мамлакатлар: Германия, Франция, Италия, Дания, Люксембург.

Иккинчи тоифа - солиқка тортишнинг ўртача даражаси ЯИМга нисбатан 30 фоиздан 40 фоизгачани ташкил этган мамлакатлар. Буларга Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия, Украина ва бошқаларни киритсак булади.

Учинчи тоифа - солиқка тортишнинг энг паст даражаси ЯИМга нисбатан 30 фоизгачани ташкил этган мамлакатлар: Малайзия, Индонезия, Жанубий Корея, Хитой, Миср ва бошқалар.

Куриниб турибдики солиқ юки даражаси турли мамлакатларда турлича, айниқса, биринчи ва иккинчи гурухга киравчи мамлакатларда нисбатан юкори.

Ўзбекистон хукумати ва Давлат солиқ қўмитасининг харакатлари натижасида мамлакатимизда солиқ юки даражаси қатор йиллар давомида мунтазам пасайиб бормоқда. Масалан, Айтиш жоизки Республикада изчил амалга оширилаётган солиқ сиёсати солиқ юкини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати иқтисодиётни ривожлантиришга муҳим ахамият касб этмоқда. Солиқ юкини пасайиши бу давлат бюджетига ундирилишини назарда тутилган солиқларни бир қисмини нафақат корхоналар ихтиёрига қолдириш ва уларда инвестицион маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспортгп сифатли маҳсулотларни чиқаришга қушимча имконият яратиб бериш демакдир, балким хўжалик юритувчи субектларнинг самарали фаолияти ва молиявий барқарорлигини оширишга хизмат қиласи. Хусусан 2018 йилда хам микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг

5 фоизга сақланиб қолиниши хўжалик юритувчи субъектларни инвестицион-инновацион фаолиятини кенгайтиришга хизмат қилади.

Маълумки, Республикаизда банк-молия тизмини мастахкамлаш ва иқтисодиётни молиялаштириш, ривожлантиришни жадаллаштириш шароитида фаол сектор корхоналарини турли молиявий манбалардан (яъни, бюджетдан, тижорат банкларининг кредит ресурслари хисобидан, жорижий инвеститсияларни жалб этиш, ахолини буш турган маблағларини жалб этиш, корхоналарда буш турган молиявий ресурсларини жалб этиш, молиявий бозор воситачилари ёрдамида қимматли қоғозларни жойлаштириш ва хакоза) самарали фойдаланиш масаласидир уларни корхонани молиявий қуллаб-қўвватлаш бўйича оқилона солик сиёсати амалга оширилмоқда. Солик юкини енгиллаштириш ва унификация қилиш орқали хўжалик тузилмаларини янада қуллаб-қўвватлаш шулар жумласидандир. Бу борада, Ўзбекистонда солик қонунчилигини такомиллаштириш, солик юкини босқичма-босқич камайтириб бориш солик тўловчиларни хўжалик фаолиятинига асосиз аралашувларидан ҳимоя қилишни кучайтириш, соликқа тортиш тизимини такомиллаштириш борасида тизимли ишлар олиб борилиши кенг йулга қуйилмоқда. Натижада, хозирги вақтда Ўзбекистон асосий солик ставкаларини миқдори бўйича соликқа тортиш даражаси юқори бўлмаган давлатлар қаторидан ўрин эгалаб келмоқда.


Ўтган йилларда солик юкини 1995 йилдаги солик юки билан солиштирганда, ЯИМ га нисбатан қарийиб 2 баробардан ортиқ камайиб, 41.2 фоиздан 18.9 фоизга тушганлигини кўриш мумкин. 2017 йилдаги солик юкини 2002 йилги солик юки билан тақослайдиган булсак 1.3 баробарга камайганлигини кўришимиз мумкин (1-диаграммага қаралсин).

Солик тўловчилар зиммасидаги солик юкини камайтириш ҳисобига уларнинг ўзларида қолдирилиши ва ушбу маблағлардан самарали фойдаланиш иқтисодий тараққиётга хизмат қилиши билан бирга ижтимоий соҳадаги муаммолар, яъни аҳолининг кам даромадли табақасининг даромади ошишига ва иш ўринлари яратилиб, бандлик масаласини ижобий ҳал этишга

шароит туғдирди. Айни бу ҳолат солиқ юкини камайтириш бўйича энг муҳим вазифа сифатида белгиланган ишлаб чиқаришни фаоллаштириш омили бўлган харид талабининг жадал ўсишини таъминлаш вазифасини амалга оширишга замин яратди.

1-диаграмма

2002-2017 йиллар ЯИМ га нисбатан солиқ юкини ўзгариш динамикаси.



II.Боб.Хўжалик юритувчи субъектларида солиқ юкини ҳисоблаш амалиёти ва тартиби.

2.1.Хўжалик юритувчи субъектларга тўғри келадиган солиқ юкини ҳисоблашни амалиётдаги тартиби.

Хўжалик юритувчи субъектларга тўғри келадиган солиқ юкини ҳисоблаш учун солиқ толовчининг қайси тур солиқ толовчи эканлигини белгилаб олиш муҳимдир. Мамлақатимиздаги солиққа тортиш амалиётидан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъектларга тўғри келадиган солиқ юкини ҳисоблаш учун солиқ толовчиларни қуидаги гурухларга булиш тавсия этилади:

- умумбелгилангандаги тартибдаги солиқ, толовчилар;
- ялпи даромаддан солиқ толовчилар;
- ягона ер солиги толовчилар;
- соддалаштирилган солиқ тизимиға утган солиқ толовчилар.

Солиқ юкини аниқ ҳисоблаш учун бундан ташқари, ушбу гурухлардаги солиқ толовчилар тулайдиган солиқлар ва мажбурий ажратмалар ҳамда йиғимлар турлари ҳам муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу таклифни яна давом эттириш мумкин эди. Аммо турли олимлар турлича талқин қилганки, уларнинг кўпи назарий жиҳатдан қараб чиққан. Бироқ амалиётда ҳар бир кўрсаткич улчанадиган ва уларнинг манбалари қаерлардадир ифодаланадиган булиши лозим. Шу нуқтаи назардан, бухгалтерия ҳисоби талабларидан келиб чиқиб ушбу категорияни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашнинг такомиллашган вариантини тавсия қилмоқдамиз.

Тадқиқотлар натижасида, солиқ, юкини аниқлаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деган хulosага келинди. Хўжалик юритувчи субъектларда солиқ юкини аниқлаш учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушум, маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси ва ҳисобот даврининг соф фойдасига нисбати сифатида олишни тавсия қиласиз. У ҳолда қуидаги кўрсаткичлар аниқланади:

1. Солиқ юкининг (**Сю.ст**) маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум (**Ст**)га нисбатан микдорини қуидаги формула орқали ифодалашни тавсия қиласиз:

$$\text{Сю.ст} = \mathbf{C} + \mathbf{МТ}/\mathbf{Ст}$$

Бу ерда:

C - барча солиқларнинг суммаси;

МТ - барча мажбурий туловлар.

2. Солиқ юкининг (**Сю.яф**) маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (**ЯФ**)га нисбатан микдори:

$$\text{Сю.яф} = \mathbf{C} + \mathbf{МТ}/\mathbf{ЯФ}$$

3. Солиқ юкининг (**Сю.яф**) маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишнинг соф фойдаси (**СФ**)га нисбатан микдори:

$$\text{Сю.яф} = \mathbf{C} + \mathbf{МТ}/\mathbf{СФ}$$

Солиқ юкини аниқлашда шуларни, инобатга олиш лозимки, айrim хужалик юритувчи субъектлар солиқларнинг ягона солиқ тулаш тартиби буйича туласалар, айримлари солиқларни умумий тартибда тулайдилар. Бу ҳолларда солиқ юкини аниқлашда ҳам узига хос хусусиятлар келиб чиқади.

Агар хужалик юритувчи субъект солиқни ягона солиқ тулаш тартиби буйича тулайдиган булса, бу ҳолда барча солиқ ва туловларнинг микдори (**СТм**) қуидагича аниқланади:

$$\mathbf{СТм} = \mathbf{Дс} + \mathbf{Нфа} + \mathbf{Йфа} + \mathbf{Мфа}.$$

Агар хужадик юритувчи субъект солиқни умумбелгиланган тартибдаги солиқ туловчи булса, солиқ суммаси қуидагилардан таркиб топади:

- даромад (фонда) солиги (**Дс**) солиқ, тулангунга қадар фойдадан;
- мол-мулк солики (**Ммс**), мол-мулкнинг ўртача йиллик қийматидан;
- инфратузилмани ривожлантириш солиги (**Итрас**), соф фойдага нисбатан;

- нафақа фондига ажратма (**Нфа**), ялпи тушумга нисбатан;
 - пул фондига ажратма (**Йфа**), ялпи тушумга нисбатан;
- қүшилган қиймат солиғи (**ККС**). бажарилган ишлар, хизматларга нисбатан.

Бу ҳолда барча солиқ, ва туловларнинг микдори (**СТм**) қуйидагича аниқланади:

$$\text{СТм} = \text{Дс} + \text{Ммс} + \text{Итrs} + \text{Нфа} + \text{Йфа} + \text{Ккс}.$$

Хўжалик юритувчи субъект солиқни ягона солиқ, тулаш тартиби буйича тулайдиган булса, маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум (**Ст**)га нисбатан солиқ, юки микдорини қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$\text{Сб.ст}=\text{Яст}/\text{Ст}$$

Солиқ, юкининг (**Сю.яф**) маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишининг ялпи фойдаси (**Яф**)га нисбатан микдорини аниқлаш лозим булса қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\text{Сю.яф}=\text{Яст}/\text{яф}$$

Солиқ, юкининг (**Сю.яф**) маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинадиган соф фойдаси (**Сф**)га нисбатан микдори қуйидагича аниқланади:

$$\text{Сю.сф} = \text{Яст}/\text{Сф}$$

Худди шу кўрсаткич, хужалик юритувчи субъект солиқни умумий тўлаш тартиби буйича тулайдиган булса, яъни солиқ юки маҳсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан соф тушум (**Ст**)га нисбатан қуйидагича аниқланади:

$$\text{Сю.ст} = \text{Дс}+\text{Ммс}+\text{Итrs}+\text{Нфа}+\text{Йфа}+\text{Ккс}/\text{Ст}$$

Солиқ юкининг (**Сю.яф**) маҳсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишининг ялпи фойдаси (**Яф**)га нисбатан микдори қуйидагича ҳисобланади:

Сю.яф=Дс + Ммс + Итрас+Нфа+Йфа+Ккс/Яф

Солиқ юкининг (**Сю.яф**) маҳсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишнинг соғ фойдаси (**Сф**)га нисбатан миқдорини аниқлаш учун қуидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

Сю.яф=Дс+Ммс+Итрас+Нфа+Йфа+Ккс/Сф

Шундай қилиб, солиқ юкини аниқлаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда албатта барча солиқ ва туловларни инобатга олиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, жаҳон амалиётида солиқ юкининг ЯИМдаги улуши 20-25 фоиз атрофида тебраниши мақбул ҳолат деб баҳоланади. Чунки у белгиланган кўрсаткичдан, яъни 20 фоиздан паст бўлса, давлат бюджетининг макроиктисодий харажатларни қоплай олиш кафолати таъминланмайди. 25 фоиздан кўп бўлиши эса солиқ юкининг ҳаддан ташқари ортиб бориши ва иқтисодий ўсишнинг секинлашиши каби таҳдидларни вужудга келтиради.

Иқтисодиётда солиқ юки сўнгги йилларда турли даражада ўзгариб бормоқда. Бу натижаларни чегаравий қийматларга солиштирсак, республикамизда солиқ юки даражаси нормал ҳолатда дейиш мумкин.

Ўзбекистонда солиқ юки қай даражада эканлигини таҳлил қилиш учун турмуш тарзи бизникига ўхшаш бўлган мамлакатлар билан қиёслаш керак бўлади.

Олдинги бир қанча мақолаларда, юртимиз солиқ тизимидағи муаммоларни қўриб чиқиши асносида, бизнес зиммасига тушувчи оғир солиқ юкини ҳам бошқа муаммолар қаторида тилга олиб ўтгандим.

2.2.Хўжалик юритувчи субъектларида солиқ юкини ифодаловчи кўрсаткичлари тахлили.

Корхоналарда солиқ юкини ифодаловчи қўрсаткичларни тахлил қилиш жараёнида аниқланган барча қўрсаткичлар амалий маълумотларни қуллаган ҳолда ўрганилади. Солиқ юкини тахлил қилинганда шу нарсани инобатга олиш лозимки, уни факат фирма ёки корхона нуқтаи назаридан эмас, балки давлат, корхона ва жамоа нуқтаи назаридан ҳам қараб чиқиш мақсадга мувофиқдир»

Солиқ, юкини тахлил қилиш учун Сариосиё туманида фаолият курсатаётган 6 та корхона олинди. Уларнинг утаси солиқни ягона солиқ тулаш тартиби буйича тулайдиган хўжалик юритувчи субъект, яна утаси солиқни умумбелгиланган тартиб буйича тулайдиган хўжалик юритувчи субъектлардир. Уларнинг номларини шартли равишда A1, A2, A3, A4, A5, A6 деб олдик. A1, A2, A3 фирмалар солиқни ягона солиқ тулаш тартиби буйича тулайдиган хўжалик юритувчи субъектлар. A4, A5, A6 фирмалар эса солиқни умумбелгиланган тартиб буйича тулайдиган хўжалик юритувчи субъектлардир.

Солиқни ягона солиқ тулаш тартиби буйича тулайдиган хўжалик юритувчи субъектларда солиқ юкини аниқлаш учун қуйидаги жалвални тузишни тавсия қиласиз (2.1-жадвал).

Сариосиё туманида фаолият юритаётган корхонада ягона солик тулаш тартиби буйича тулайдиган А1,А2,А3 корхонада солик юкини аниқлашнинг 2017 йил натижалари буйича ҳисоб-китоб ва қиёсий тахлили¹¹

Т / Р	Солик туландиган кўрсаткичлар	Корхоналарнинг номи		
		A1	A2	A3
1	Ягона солик толови (Яст), ялпи тушумга нисбатан, минг сум	44787,5	33758,0	46719,7
2	Махсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум, минг сум	306453,9	226451,4	308501,6
	Шу кўрсаткичга нисбатан солик юки, %	14.61	14.91	15,14
3	Махсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фонда, минг сум	246532,4	158354,6	231365,2
	Шу кўрсаткичга нисбатан солик юки, %	18,17	21,32	20,19
	Махсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинадиган соф фойда, минг сўм	24546,4	18392,7	32744,8
	Шу кўрсаткичга нисбатан солик юки, %	182,6	183,5	142,7
	Махсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи тушум, минг сум	389456,2	293546,9	406257,5
	Шу кўрсаткичга нисбатан солик юки, %	11,5	11,5	11,5

Манба: Ўрганилаётган соликни ягона солик, тулаш тартиби буйича тулаётган 6 та фирманинг молиявий ҳисботи ва солик, ҳисоби маълумотларидан фойдаланилган ҳолда муаллифнинг ҳисоб-китоби.

Мазкур жадвал маълумотларининг курсатишича, таҳлил қилинаётган корхоналарда солик, юки махсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи тушум буйича ҳаммасида бир хил, яъни 11,5%ни ташкил қиласди. Бу дегани соликни ягона солик тулаш тартиби буйича тулайдиган барча хужалик юритувчи субектларда солик, юки, яъни барча соликлар ва

¹¹ Рақамлар шартли қилиб олинди.

мажбурий туловларнинг ялпи тушумдаги улуши 11,5%ни ташкил қиласди деганидир. Махсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушумга нисбатан солик, юки таҳлил қилинаётган обьектларда узгариб боради. Унинг миқдори А1 фирмада 14,61%ни ташкил қилса, А3 фирмада 15,14%ни ташкил қилган. Бу ерда солик, ва мажбурий туловлар бир ҳил миқдорда (ставкада) бир ҳил обьектдан ҳисобланмоқда, аммо уларнинг махсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушумга нисбатан даражаси турлича. Бунга сабаб, ҳисобланган солик суммаси А3 фирмада солик обьектининг бошқа фирмаларга нисбатан кунлиги туфайли куп булган. Бундан куриниб турибдики, солик обьект қанча куп булса, бир ҳил солик ставкаси билан давлат бюджетига купрок солик тушумини таъминлаш мумкин экан.

Таҳлил қилинаётган обьектларда солик юки махсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойдага (даромадга) нисбатан мос равища 18,17; 21,32; 20,19% ни ташкил қиласди. Бу ерда ҳам шу қонуният исботланмоқдаки, бир ҳил солик ставкаси билан солик обьекти юқори булган фирмада давлат бюджетига туландиган солик суммаси ҳам куп булади. Бундан шундай хuloscha чиқариш мумкинки, фирмаларнинг махсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойдаси (даромади) қанча кун булса, солик суммаси ҳам, мос равища, шунча куп булар экан. Демак амалиётда ҳар бир фаолият курсатаётган фирмаларнинг яшовчанлигини тамиллашдан фақат мулк эгалари эмас, балки давлат ҳам катта манфаатдордирлар.

Мазкур хulosani солик юкининг махсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан олинадиган соф фойда мисолида ҳам қуришимиз мумкин. Бунда А1 фирмада унинг миқдори 182,6%ни ташкил қилган бир пайтда А3 фирмада 142,7%ни ташкил қилмоқда.


Таҳлил жараёнида солик юкини аниқлаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш хulosani ойдинлаштириш учун асос булар экан. Демак солик

юкини таҳлил қилганда, битта кўрсаткич билан чекланиб қолмасдан, кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ экан.

Худудларнинг бюджетдан солиқлар бўйича қарздорлиги худуднинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлайди. Иктиносидиётда солиқ солиқ юкининг оптималлаштириш хисобига қарздорликни камайтириш ва шу хисобидан хўжалик юритувчи субъектларнинг зимасига тушадиган солиқ юкининг камайишига эришиш мумкин булади. Шу ўринда айтиш кераки солиқ юкининг хўжалик юритувчи субъектларига тўғри келадиган миқдори солиқ турлари бўйича вилоят махаллий бюджетлари олдидаги қарздорлигнинг 2018 йил 1 апрел холатига махаллий бюджетларидан умумий қарздорликда хўжалик юритувчи субъектларига солиқ юкининг оғирлиги туманлар кесмидан жами қарздорликка нисбатан фоизига тақослайдиган бўлсак туманлар ичида энг юқори Денов туманига яъни 12.5 фоиз булган булса, Сариосиё туманига ушбу курсаткич 11.8 фоизни ташкил этган. Кўриниб тўрибидики вилоятдаги Сариосиё туманида хўжалик юритувчи субъектларига солиқ юкининг хисобига бюджетдан қарздорлик миқдори ортиб боришига олиб келади. Хўжалик юритувчи субъектлар зимасига тушадиган солиқ юкини оптималлаштириш хисобидан бюджет олдидаги қарздоликни камайтишга эришишга мовофақ булиш мумкин бўлади.

2-диаграмма

2018 йил 1 апрел холатига туманлар кесимида бюджетдан умумий қарздорликда хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юки тахлили (фоиз)¹².




¹² Сариосиё туман ДСИ маълумотлари.

Юқоридаги диаграммадан куриш мумкинки туманлар кесмида солиқлар хисобидан бюджетдан хўжалик юритувчи субъектларнинг зимасига тўғри келадиган солиқларнинг оғирлигини камайтириш хисобидан бюджетдан солиқ қарздорлиги камайтиришда солиқ сиёсатини такомиллаштириб бориш хар бир солиқ толовчининг солиқ тулашдан буйин товламасдан, даромадларини яширишга уринмасдан, аксинча, уз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилиши худудда солиқларни ўз вақтида солиқ толовларини тулаши бюджетдан солиқ толовлари бўйича қарздорликни келиб чиқмаслигига олиб келади.

Хўжалик юритувчи субъектларга тўғри келадиган солиқ юкини ҳисоблаш учун солиқ толовчининг қайси тур солиқ хисобига тўғри келишлигини белгилаб олиш муҳимдир. Юқоридаги диаграмма маълумотларидан маълумки умумий қарздорликда солиқ турларининг улушини тахлил қилиш мумкин (3-диаграмма қаралсин). 2018 йил 1 апрел холатига бюджетдан қарздорликнинг миқдорида солик турлари бўйича солиқ юкининг тахлилида солиқ турлари бўйича солиқ толовларидан қарздорликларнинг кўрсаткичларида энг юқори қарздорлик ер солиғи хисобига шаклланган бўлиб бу умумий қарздорликга нисбатан 39.1 фоизни ташкил этган.

З-диаграмма

2018 йил 1 апрел холатига бюджетдан карздорликнинг миқдорида солик турлари буйича солик юкининг тахлили (фоизда)



Солиқ туловлари ичида бюджетдан қарздорликнинг ортишида энгомиллардан бири бу солиқ юки хисоланади. Мамлакатимиздаги солиққа тортиш амалиётидан келиб чиқиб, хужалик юритувчи субектларга тұғри келадиган солиқ юкини босқичма-босқич камайтириб бориш билан хұжалик юритувчи съектларнинг молиявий барқарорлиги таъминланади.

Халоса қилиб айтиш мүмкінки иқтисодиётда солиқ юкини оптималлаштириш ва ривожлантириб бориш хисобидан хұжалик юритувчи субъектлар хисобида қоладиган молиявий манбалар корхоналарини техник ва технологик ривожлантиришга эришилади. Бунинг учун хұжалик юритувчи съектлар зымасига тушадиган солиқ туловларини қайта қуриб чиқиши хамда имтиёзларни туғри қуллаш мүмкін болади.

2.3.Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ юкини хисоблашда ягона солиқ тулаш тартиби.

Солиқ юкини хисоблашни ягона солиқ тулаш тартиби буйича турайдиган хўжалик юритувчи субъектлар мисолида куриб чиқдик. Аммо шундай хўжалик юритувчи субъектлар ҳам борки, улар солиқни умумий тулаш тартиби буйича турайдиган хўжалик юритувчи субъектлардир. Бундай корхоналарда солиқларни тулаш тартиби ҳам, солиқ солинадиган обьекти ҳам турлича. Шундай хўжалик юритувчи субъектларда ахволнинг қандайлигини билиш учун қўйидаги жадвални тузишни тавсия қиласиз (2.2-жадвалга қаралсин).

2.2-жадвал.

Сариосиё туманида солиқни умумий тулаш тартиби буйича турайдиган А1, А2, А3 корхоналарида солиқ юкини аниклашнинг 2017 йил натижалари буйича ҳисоб-китоби ва киёсий тахлили¹³

Т/Р	Солиқ туланадиган кўрсаткичлар	Корхоналар номи		
		A4	A5	A6
1	Даромад (фойда) солиқ (Дс), солиқ тулангунга қадар фойдадан	1880,6	3220,6	5468,8
2	Мол-мулк солиғи (Ммс), мол-мулкнинг ўртача йиллик қийматидан	342,5	547,9	995,8
3	Екология солигёи (Эс), таннархдан	221,5	348,9	613,3
4	Инфрагузилмайи ривож лантириш солиғи (Итрас), соф фойдага нисбатан	25,2	43,1	73,0
5	Нафака фоидига ажратма (Нфа) ялпи тушумга нисбатан	1216,4	2319,3	3985,8
6	Юл (Йфа) ва мактаб (Мф) фондига ажратма, ялпи тушумга нисбатан	4865,6	9277,2	15943,0
7	Қушилган қиймат солиғи (ҚҚС), бажарилган ишлар, хизматларга нисбатан (ялпи тушум)	48662,5	92786,9	159460,4
8	Жами	57214,3	108543,9	186539,3

¹³ Рақамлар шартли килиб олинди.

Солиқ обьектини ифодаловчи кўрсаткичлар					
9	Солиқ тулангунга қадар фойда, минг сум	608,4	1040,6	1763,9	
10	Таннарх, минг сум	22150,3	34890,4	61330,5	
11	Мол-мулкнинг ўртача йиллик қиймати, минг сум	85641,0	136987,3	248963,2	
T/P	Солиқ туланадиган Кўрсаткичлар		Корхоналар номи		
		A4	A5	A6	
Солиқ юкини ифодалопчи кўрсаткичлар					
12	Маҳсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан олинган соф тушум, минг сум	221834,5	386552,3	664287,9	
13	Ш кўрсаткичга нисбатан солиқ юки, %	25,79	28,08	28,08	
14	Маҳсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан олинган ялпи фойда, минг сум	200388,3	351665,7	601962,5	
15	Шу кўрсаткичга нисбатан солиқ юки, %	28,55	30,86	30,11	
16	Маҳсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан олинадиган соф фойда, минг сум	419,8	718,0	1217,1	
17	Шу кўрсаткичга нисбатан солиқ юки, марта	136,3	151,2	153,3	
18	Маҳсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан олинган ялпи тушум, минг сум	243280,7	463862,7	797145,5	
19	Шу кўрсаткичга нисбатан солиқ юки, %	23,52	23,40	23,40	

Манба: Ўрганилаётган солиқни умумий тулаш тартиби буйича тулаган З та фирманинг молиявий ҳисобоги ва солиқ ҳисоби маълумотларидан фойдаланилган ҳолда муаллифнинг ҳисоб- китоби.

Ушбу жадвал маълумотларидан куриниб турибдики, таҳлил қилинаётган Зта фирма ҳам 7 тур солиқ ва мажбурий толовларни бир хил ставкада туламоқда. Бу ерда, солиқни ягона солиқ, тулаш тартиби буйича тулаётган фирмалардан фарқли улароқ барча солиқларнинг юки маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи тушумга нисбатан турлича. Масалан,

A4 да солиқ юки 23,52%пи ташкил қилган булса, A5 ва A6 да эса ушбу кўрсаткич 23,40%га teng. Бунда солиқ юкининг энг юқори кўрсаткичи A4 фирмага тўғри келмоқда. Ушбу фермада маҳсулот (тавар, иш, хизмат) ларни сотишдан олинган ялпи тушум A5 га нисбатан 52,4%ни ($243\ 280,7 \times 100\ 463\ 862,7$) ташкил қилса, A6 га нисбатан атиги 30,5%га тенгдир ($243\ 280,7 \times 100:797145,5$). Худди шундай ҳолатни бошқа кўрсаткичлар мисолида ҳам куриш мумкин. Мазкур фирмаларда солиқ юки маҳсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан олинган соф тушумга нисбатан, мос равища қуидагилардан иборат, яъни A4 фирмада — 25,79%, A5 фирмада — 28,98%, A6 фирмада — 28,08%га teng. Бунинг сабаби A4 фирмада маҳсулотларнинг таннархи бошқа фирмаларникига нисбатан юқори. Шунинг натижасида унинг маҳсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан олинган соф тушуми миқдори камайган. Натижада шу кўрсаткич буйича солиқ юки бошқа фирмаларникига нисбатан кам бўлган. Юқорида таъкидланганидек фирмаларнинг фаолияти қанча катта булса, шунга мос равища, солиқ юки, ҳам ошиб бормоқда. Бироқ унинг фойдаси ва рентабеллиги ҳам шунга мос равища кўпdir. Буни шу таққосланадиган жадвал маълумотларидан ҳам куриш мумкин. Масалан, ҳаражатларнинг рентабеллиги A4 фирмада 1,90% ga teng ($419,8 \times 100:22\ 150,3$), A5 фирмада 2,08% ga teng ($718,0 \times 100:34\ 890,4$). Ушбу кўрсаткичининг миқдори A6 фирмада 1,98% ga teng ($1217,1 \times 100:61\ 330,5$). Куриниб турибдики, фирмаларда оборот қанча кўп булса, рентабеллик даражаси ҳам шунга мос равища куп булмоқда. Бу давлат бюджети ва бошқа жамғармаларга ҳам тушумларни купайтирар экан.

Солиқ таҳлили молиявий таҳлилнинг таркибий қисмидир. Аммо ҳозирги пайтда айрим адабиётларда солиқ таҳлили алоҳида иқтисодий таҳлилнинг мустақил шакли булиши лозим деган қарашлар ҳам мавжуд. Бироқ бизнинг фикримизча солиқ таҳлили иқтисодий таҳлил таркибида такомиллашмоғи ва ривож топмоғи лозим. Молиявий таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири урганилаётган обьектга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг аниқ таъсирларини ҳисоблаш усувларини ишлаб чиқишдан иборатdir. Аммо

солиқ юки таҳлили ва унинг узгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш юллари мамлакатимиз олимлари ва хорижий олимларнинг ҳам солиққа бағишлиланган иқтисодий адабиётларида¹⁴, хусусан, иқтисодий таҳлилга бағишлиланган адабиётларда¹⁵ ҳам қараб чиқилмаган. Буларни инобатга олиб солиқ, юкига таъсир қилувчи омилларни, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш юлларини иқтисодий таҳнилнинг анъанавий усулларини қуллаган ҳолда ишлаб чиқдик ва амалиётга тавсия қилмоқдамиз. Солиқ юки, умуман олганда, энг аввало, маҳсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан олинган соф тушумнинг миқдорига боғлиқ. Чунки солиқ солинадигам обьектларнинг куп қисми айнан шу кўрсаткичнинг миқдори билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Масалан, маҳсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан олинган ялпи фойданинг миқдори уша биринчи кўрсаткичга боғлиқ. Бир хил таннарх билан соф тушум қанча кўпайса, ялпи фойда ҳам шунча купаяди ва аксинча. Қолган солиқ тулангунча фойданинг ҳам, соф фойданинг ҳам миқдори шу кўрсаткичга боғлиқдир.

Шу туфайли солиқ юкининг узгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлашда маҳсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан олингам соф тушумнинг миқдорини олиш мақсадга мувофиқдир. У ҳолда солиқ юкига таъсир қилувчи омиллар билан боғлиқ кўрсаткични қуидагича аниқлашни тавсия қиласиз.

¹⁴ Гатаулин Ш.К Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қулланма. — Тошкент: УзР ДСК; Солиқ, конунчилиги асослари. Уқув қулланма / Тузувчилар Д.И.Шаулов, У.Т.Кан. Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳукуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999.; Пансков В.Г. Налоги и налогообложение в Российской Федерации. — М.: «Мир книги», 2000.; Кирова НА. Определения налогового бремя // «Финанси», 1998, 9-сом.; Пансков В.Г. Налоговое бремя Российской налоговой системы // «Финанси», 1998; Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти.— Тошкент: «F.Улом», 2000; Горский И. Налоги: История и современность. В кн.: Налоговое планирование для руководителя и бухгалтера. Т. И. - М., 1997.

¹⁵ Басовским Л.Г. Теория экономического анализа. Учебное пособие. — М.: «ИНФРА-М», 2001.; Савицкая Г.В. Народнохозяйственная деятельность предприятия. Учебное пособие. Минск: ООО «Новое знание», 2000.; Палий В.Ф. Новая бухгалтерская отчетность: содержание методики анализа. — М.: «Контроллинг», 1991.; Акрамов Э.А. Анализ финансового состояния предприятия. — Тошкент, 2000.; Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. — Тошкент: «Молия», 2003.; Иброхимов А. Молиявий таҳлил. Тошкент: «Мехнат», 1995.; Вахабов Д., Иброхимов А. Молиявий таҳдил. Дарслик. — Тошкент: «Шарқ», 2002.; Вахабов А.В., Иброхимов А.Т., Якубов У.К. Бошқа тармокларда иқтисодий таҳлилнинг хусусиятлари. Ўқув қўлланма. — Тошкент: ТМИ, 2004.; Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Бошқарув таҳлили — Тошкент: ТДИУ, 2004.; Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил назарияси. — Тошкент: ТДИУ, 2004.; Вахабов А., Иброхимов А., Ҳакимов Б. Иқтисодий таҳлил назарияси. Ўқув қўлланма. — Тошкент: ТМИ, 2003.; Ибрагимов А.Т., Раҳимов М.Ю. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. — Тошкент: ТМИ, 2004.; Аҳмаджонов Х.И., Раҳимов М.Ю. Молиявий таҳиил. Ўқув қўлланма. — Тошкент: ТМИ, 2004.; Абдуллаев Ё., Иброхимов А., Раҳимов М. Иқтисодий таҳлил: 100 савол ва жавоб. Тошкент: «Мехнат», 2001.; ва х.к

$$\text{Сю} = \frac{\text{Cc}}{\text{Мст}}$$

Бу ерда:

Сю - солиқ юки

Cc -солиқ суммаси

Мст-маҳсулотни сотишдан тушган соф тушум.

Ушбу формулага асосланадиган булсак солиқ, юкининг узгаришига (**ДСю**) иккита омил таъсир қиласи. Биринчиси, солиқ, суммасининг узгариши (**Cc**) булса, иккинчиси, маҳсулотни сотишдан тушган соф тушумдир (**Мст**). Ушбу (формуладан фойдаланиб солиқ, юкининг узгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаймиз.

1.Солиқ юкининг узгаришига солиқ, суммасининг таъсирини аниқлаш учун қайта ҳисоблаш усулидан фойдаланишни тавсия қиласиз. У ҳолда солиқ, юкининг солиқ суммаси эвазига узгарганлигини аниқлаш учун қайта ҳисобланган солиқ суммасидан (**Cc.x : Мст.p**) режадаги солиқ юкини (**Сю.p**) айриш кифоя:

$$\Delta\text{Сю. Сс} = \frac{\text{Cc. x}}{\text{Мст. x}} - \frac{\text{Cc. p}}{\text{Мст. p}}$$

2.Солиқ юкининг узгаришига маҳсулотни сотишдан тушган соф тушумнинг таъсирини аниқлаш учун солиқ юкининг ҳақиқий миқдоридан (**Сю.k**) қайта ҳисобланган солиқ юкининг суммасини (**Cc.x : Мст.p**) айриш кифоя:

$$\Delta\text{Сю. мст} = \frac{\text{Cc. x}}{\text{Мст. x}} - \frac{\text{Cc. p}}{\text{Мст. p}}$$

Одатдагидек барча омиллар таъсири натижа узгаришининг умумий ҳажмига teng булиши лозим. Бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta\text{Сю} = \Delta\text{Сю. Сс} \pm \Delta\text{Сю. Мст}.$$

Ушбу формулани амалиётга куллаш усулини юқорида келтирилган фирмаларнинг бирининг мисолида куриб чиқамиз (2.3-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан куриниб зурибдики, солиқ юки ҳисобот йилида таҳлил қилинаётган фирмада бир йил давомида 0,42% бандга камайган. Ушбу ҳолат қўйидаги омиллар эвазига содир булган:

2.3-жадвал

Солиқ юки ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг таъсирини А6 фирманинг маълумотлари асосида аниқлаш ҳисоб-китоби

Т /р	Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Қайта ҳисоб ланган	Фарқи (+ -)	Шу жумладан	
						Сс эвазиг а	Мст эвазиг а
1	Солиқ суммаси, минг сўм	164387.2	186539.3	186539.3	+22152.1	X	X
2	Махсулотни сотишдан тушган соф тушум, минг сўм	576797.2	664287.9	576797.2	+87490.7	X	X
3	Солиқ юки	28.5	28.08	32.34	0.42	3.84	426

Манба:2.3-жадвал маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.

1. Ҳисобот йилида соли к суммасининг 22 152,1 минг сумга кўпайиши эвазига Солиқ юки 3,84% бандга ошган (32,34 - 28,5).

2. Махсулотни сотишдан тушган соф тушумнинг шу таҳлил даврида 87 490,7 минг сумга ошганлиги солиқ юкини 4,26% бандга камайтирган (28,08-32,34). Барча омиллар таъсири юқорида такидланганидек натижа кўрсаткичиннинг умумий фарқига teng булади.

$$-0,42 = 3,84 - 4,26.$$

Таҳлил натижаларидан куриниб турибдики, солиқ суммасининг купайиши солиқ юкини купайтирар экан. Махсулотни сотишдан тушган соф тушумнинг купайиши эса солиқ юкини камайгирар экан. Ушбу ҳолат курсатиб турибдики, корхоналарнинг махсулотни сотишдан келадиган солиқ тушумининг купайиши нафақат шу корхона эки фирма учун, балки давлат ва жамият учун ҳам катта манфаат беради.

III Боб. Солиқ юкини мезонларини ва солиқ юкини оптималлаштириш истиқболлари.

3.1. Солиқ юкини пасайтириш сиёсатини бюджетнинг харажатлар қисмини оптималлаштириш чоралари билан боғлиқлигини таъминлаш омиллари.

Солиқ сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири давлат харажатларини вактида ва мулжалланган хажмда молиялаштириш учун бюджет даромадлари етарлилиги хисобланади. Бу эса, уз навбатида, солиқ юкини камайтириш борасидаги сиёсат бюджетнинг харажатлар қисмини оптималлаштириш чоралари билан хамоханг тарзда олиб боришини такозо этади. Шунингдек, хукумат бюджет харажатларини унинг такчиллигини келтириб чикармайдиган холда устириш сиёсатига таянади. Шуниси эътиборга моликки, Узбекистонда солиқ механизми оркали иқтисодиётнинг мувозанатини таъминлашга эришишда солиқ сиёсатини янада такомиллашгириш юзасидан кабул қилинган карорлар муҳим урин тутади. Улар, бир томондан, солиқ туловчилар зиммасидаги солиқ юкини жиддий камайтириш, иккинчи томондан барча даражадаги бюджет даромадларини ва бюджетдан ташкари фондларнинг барқарор асосини таъминлашга каратилгандир.

Мамлакатда бюджет даромадлари ва бюджетдан ташкари фондлар хажмини ошириш хамда барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётга келаётган хорижий инвестицияларнинг салмоги ва тадбиркорлик субъектларига берилаётган иқтисодий эркинликлар алохида эътиборга лойик. Айнан шу масалаларни янада такомиллаштириш оркали мамлакатлар иқтисодиётимизнинг барқарорлигини таъминлашга эришишда солиқ механизми асосий роль уйнамокда.

Маълумки, айнан шу мақсаддан келиб чиккан холда солиқ юкини мунтзам равишда янада камайтириш буйича қатор тадбирлар амалга оширилалепти. Узбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги кушимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3620-сонли Фармонини мисол тарикасида бунинг далили деб айтсан булади. Мазкур Фармон кичик бизнес субъектларини жадал ривожлантиришни янада

рафбатлантириш хамда унинг мамлакат иқтисодиётидаги ахамияти ва улушини тубдан ошириш мақсадида кабул қилинган. Мисол учун, микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг зиммасидаги солиқ юкини таккосласақ, куйидаги рақамларни куришимиз мумкин:

3.1-жадвал

Иқтисодиёт тармоқлари	2015 йил 1 июльгача	2016 йил 1 июлдан	201 7 йил
Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидағи корхоналарга	15,2%	13%	5%
Хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотарнусларга	53,2 %	50%	50%
Юридик ва жисмоний шахсларнн (жумладан, норезилентларни) жалб этиш йули билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланнш лицензиясига эга булган корхоналарга	38,2%	30 %	30%
Қишлоқ хўжалиги корхоналари (ягона ер солиғини турайдиган кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари бундан мустасно)	9,2 %	6 %	6 %

Солиқ сиёсатини такомиллаштириб бориш хар бир солиқ туловчининг солиқ тулашдан буйин товламасдан, даромадларини яширишга уринмасдан, аксинча, уз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилиши учун барча шарт-шароит яратоётир. Чунончи, 2017 йилда иқтисодий ўсишнинг суръатлари таъминланди - ялпи ички маҳсулот 5,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажми 5,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушки 17 фоизга, Олтин-валгота захиралари 1,5 баравардан зиёд усиб Давлат бюджета ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорда профиинит билан ижро этилди. 2018 йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 5,9 фоиз даражасида, инфляция 12,4–13,4 фоиз, саноат ишлаб чиқаришда — 6,4 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқаришда — 4 фоиз, капитал сармояларда —

6,5 фоиз, чакана савдо айланмасида — 5,6 фоиз миқдорда бўлиши прогноз даражада режалаштирилмоқда. Экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайди. 2018 йилда экспортнинг умумий молиявий қиймати 12,1 миллиард АҚШ долларига тенг бўлиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2007 йил иқтисодий дастурининг 7 та устувор йуналишлари орасида барқарор ва мувозанатлаштирилган ўсиш суръатлари, икгисодиётни таркибий узгартириш ва модернизация қилиш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жихатдан янгилги солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришни таъминлаш энг муҳим устувор йуналишлар сифали белгилаб қўйган.

Солиқ конунчилигига тегишли узгартириш ва кушимча киритилиб, бюджетнинг 2018 йилги параметрлари тасдикланди. Унда асосан солиқ юки ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга уtkазиш, бевосита солиқлар салмогини камайтириш хисобига билвосита солиқлар улушини купайтириш назарда тутилган. Солиққа тортишнинг ухшаш базасига эга булган солиқларни бирхиллаштириш, солиқ механизм, соддалаштиришга алоҳида ахамият берилган, ишлаб чиқарувчиларни рагбатлантиричи ресурс солиқлари ставкаларини макбуллаштириш, солиқларнинг йигилувчанглип ошириш ва бошқа захиралар хисобидан солиқка тортиш базасини кенгайтиришга харакат қилинаяпти.

Иқтисодиётимизга солиқ юки таъсирини янада пасайтириш ва корхокалар ихтиёрида коладиган фойда хиссасини ошириб бориш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг доимий эътиборида. Бу йуналишда солиқ юки йилдан-йилга пасайиб бораётир.

Жумладан, корхона микёсида олиб карасак, бевосита солиқлардан умумтартибда белгиланган юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиги ставкаси бундан бир неча йил аввал уттиз фоиздан ортиқ эди, у босқичмабосқич пасайтирилиб, 2018 йили 14 фоизгача туширилди. Жорий йилда эса, ун фоиз этиб белгиланди. Демак, бу солиқ турининг ставкаси эндиликла 10 фоизни ташкил этади.

Мазкур икки йуналишнинг айрим жихатлари борки, уларга хам муайян узгаришлар киритилди. Жумладан, банклар ва сугўрта ташкилотлари фойдадаа солиқ тулаш тизимиға указилди. Банклар учун 17, сугўрта ташкилотлари учун 10 фоизли солиқ ставкаси белгиланди. Шунингдек, кичик бизнес корхоналарига ва хусусий тадриркорликка солиқ юкини пасайтириш мақсадида ягона солиқ тулови ставкаси 2017 йилдаги 5 фоиз 2018 йил учун хам 5 фоизда сакланиб қолинди.

Солиқка тортиш тизимиға ва тартибини соддалаштиришга доимий аҳамият берилиб қилинганипти. Шу мақсадда савдо иа умумий овкатланиш корхоналари, лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа уйинларни ташкил этиш буйича фаолиятни амалга оширувчи, воситачилик хизматларини кўрсатувчи корхоналар, харид ва таъминот, сотиш корхоналари учун илгари тулаб келинган солиқлар ва мажбурий туловлар урнига соддалаштирилган ягона солиқ туловини тулаш тартиби жорий этилди. Бу тоифадаги солиқ туловчилар эндиликда ушбу тартибга асосан бешта солиқ тури ва мажбурий туловлар урнига ягона солиқ тулови тулашади. Бу эса, хисоб-китоб ишлари хам анча соддалашади, демакдир.

Бюджет даромадларини шакллантиришда солиқлар ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган маблағлар бир қисмининг давлат ихтиёрига мажбурий ва қайтарилмайдиган тарзда ўтказувчи тўловларга солиқлар дейилади. Улар мамлакат миллий даромадининг бир қисми бўлиб, бюджет тизимининг барча бўғинлари бўйлаб жалб қилинади, қонунга муво-фик олдиндан белгилangan миқдорда ва муддатларда давлатнинг ихтиёрига бориб тушувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг мажбурий тўловларидан иборатдир. Солиқлар ҳисобидан давлатнинг функциялари ва вазифаларини бажариш учун молиявий асос яратилади. Солиқларсиз давлат фаолият кўрсата олмайди. Чунки улар бозор муносабатлари ва хусусий мулкчилик ҳукмронлиги шароитида даромадларни бюджетга жалб қилишнинг асосий методи ҳисобланади.

Давлатнинг хўжалик субъектлари фаолиятига аралашуви фақат қонун ўйли билан, яъни солиқлар орқали бўлади. Солиқларнинг вазифалари ҳам, хусусан аҳолини ижтимоий муҳофазақилиш ва ишлаб чиқаришда, саноатда, қишлоқ хўжалигига, савдо, хизмат қўрсатиш соҳаларида бозор иқтисодиёти инфратузилмсини ташкил қилиш киради.

Солиқлар-ижтимоий ишлаб чиқариш, унинг таркибий тузилишига ва ўсиш динамикасига, жойлашишига, илмий-технида тараққиётини жадаллаштиришга иқтисодий таъсир қўрсатувчи механизм бўлиб хизмат қилади. Солиқлар воситасида бюджет ва иқтисодиёт тармоқларини, асосан, тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш ёки аксинча, чеклаб қўйиш ва иқтисодиётнинг у ёки бу тармоғи ривожланишига таъсир қўрсатиши мумкин.

Солиқлар давлат маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий қисмини ташкил этиб, бюджетнинг харажатлар қисми орқали иқтисодиётга молиявий таъсир қўрсатиш имконини беради.

Иқтисодиётни бошқаришда иқтисодий дастурлаштиришдан фойдаланиш хўжалик вазифаларини кун тартибига қўйишни ва уларни ечиш бўйича тадбирлар тизимини ишлаб чиқишина тақозо этади.

Худудларнинг маҳаллий бюджетларида солиқларнинг ва бошқа манбалар хисобидан бюджет даромаблари шаклланади шу ўринда айтиш лозимки Сурхондарё вилоятида маҳаллий бюджетга ундириладиган даромадларнинг 2018 йил апрел ойи ҳолати бўйича маълумотлар иловада келтирилган (2-иловага қаралсин). Иловада келтирилган жадвалга асосан вилоят бюджети режаси 69 090 6 сўм булса, тушум миқдори 86 764,2 сўмни ташкил этиб, бюджет ижроси тақосланган даврда 125,6 % га бажарилган. Бу курсаткич ўтган 2017 йилнинг мос давридаги тушум 15 781,3 сўмни режа ва хақиқий тушум ўртасидаги фарқи 70 982,9 сўмни ташил этиб, фоизда хисоблайдиган булсак 550 фоизни ташкил этади. Вилоятнинг Сариосиё туман бюджетининиг вилоят бюджетидаги улушида бюджетининг режаси 1 460,8 сўм булса, тушум миқдори 1 912,0 сўмини ташкил этиб, бюджет ижроси тақосланган даврда 130,9% га бажарилган. Бу курсаткич ўтган 2017


йилнинг мос давридаги тушум 6 057,7 сўмни режа ва хақиқий тушум ўртасидаги фарқи 4 145,7 сўмни ташил этиб, фоизда хисоблайдиган булсак 32 фоизни ташкил этади. Қуйидаги диаграммадан куришимиз мумкинки.

Сурхондарё вилояти бюджетидаги тушумларни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан туманлар кесимида таққослама тахлил қилинганда туманлар ўртасидаги фарқни миқдори ундириладиган даромадлар бўйича бир мунча ортиб борганлигини куриш мумкин. Бюджет харажатларини самарали ва мақсадли йўналтирилиши билан бюджетга тушадиган солиқ юкини пасайтириб бориш мумкин булади. Бу туман бюджетига солиқ юкини оптималлаштириш билан бюджет ижросининг бажарилишини таминлаш мумкин булади.

Ахоли турмуш даражасини янада яхшилаш, реал даромадларини ошириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йуналишларидан бири хисобланади. Шу боис жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқлар миқдори хам йилдан-йилга пасайтирилмокда. Иш хаки фондида солиқ юкини пасайтириш ва ахоли даромадларин легаллаштириш мақсадида жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқ шкаласидаги ўрта ва юкори ставкалари тегишлича 22,5 фоиздан 16,5 фоизга ва 29 фоизлан 25 фоизга, ягона ижтимоий туло миқдори ставкаси эса 25 фоиздан 24 фоизга туширилди. Хулоса қилиб айтадиган булсак, мамлакатимизда оқилона солиқ сиёсатининг изчилик билан юритилиши миллий иқтисодиётимизда барқарорликни таъминлашга замин яратиш билан бирга, ялпи ички маҳсулот ошишига, ахолининг реал даромадлари купайишига, турмуш фаровонлиги янада яхшиланишига имконият яратмоқда.

Сурхондарё вилояти бюджетидаги тушумларни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан туманлар кесимида таққослама тахлили

4-диаграмма



3.2.Солиқ юкини оптималлаштиришда солиқ ҳаражатларини тахлили.

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон олдида турган энг долзарб вазифа мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий барқарорлигини тъминлаш масаласи эди. Шубҳасиз, иктиносидий хавфсизликнинг асосий таркибий қисмларидан бири молиявий хавфсизликдир. Молиявий муносабатларнинг ривожланиши эса миллий иктиносидиёт тармоқларининг уйғунлашуви ва тараққий этишига ижобий таъсир кўрсатади. Мамлакатимизда молиявий хавфсизликни тъминлашнинг самарали усуллари мавжудлиги иктиносидий ва молиявий сиёсатга боғлиқ муаммолар давлат томонидан ижобий ҳал этилишига имкон яратади.

Хозир юртимизда иктиносидий хавфсизликни тъминлаш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Шу асно бюджет-солиқ хавфсизлиги тъминлангани давлат иктиносидий тизими мукаммал даражада шаклланишида муҳим аҳамият касб этишига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Молия тизимининг марказий бўғини давлат бюджети ҳисобланади. Молиявий хавфсизликнинг асосий тури, мамлакатнинг бош молиявий режаси ва муҳим иктиносидий категорияси бўлгани боис унинг хавфсизлигини тъминлаш соҳадаги устувор вазифалар қаторидан ўрин олган.

Давлат бюджети хавфсизлиги – бу, аввало, миллий иктиносидий манфаатлар кафолатли ҳимояланганини ва миллий иктиносидиёт мутаносиб риволаниш йўлидан бораётганини англатади. Шунингдек, мамлакатнинг бюджетни шакллантиришга боғлиқ молиявий тизими ҳамда барча молиявий муносабатлари ва жараёнлари мажмуасини қамраб олади. Бюджет сиёсатини юритиш доирасида ушбу тизим институтларининг миллий иктиносидий, молиявий ривожланишини ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни амалга ошириш механизмларини яратишга тайёрлиги ва қодирлигини тъминловчи бюджетнинг барча сегментлари ва институтлари ҳолатини, ички ва ташки ривожланишнинг нокулай вазиятларида ҳам молиявий тизим яхлитлиги ва барқарорлигини саклаш учун зарур ва етарли иктиносидий салоҳият ҳамда

молиявий шароитларни ташкил қилиш, молиявий хавфсизликнинг ички ва ташқи таҳдидларига нисбатан бардошлилигини билдиради.

Бугунги кунда бюджет-солик тизими, пул-тўлов тизими, банк тизими ва фонд бозорлари ҳамда уларнинг амал қилишига боғлиқ тармоқлар хавфсизлиги қай даражада таъминлангани қўйидаги индиқаторлар асосида баҳоланмоқда.

Республикада ЯИМга нисбатан солик юки даражаси 30 фоиздан ошмаслиги керак. Давлат ўз ижтимоий-иктисодий сиёсатини амалга оширишда бюджет даромадларидан кенг фойдаланади. Бу борада, аввало, солик сиёсати оқилона олиб борилиши бюджет даромадлари хавфсизлигини таъминлайди. Иккинчидан, мамлакатдаги ишлаб чиқарувчилар зиммасига тушадиган солик юки миқдорини ҳам белгилаб беради. Бинобарин, бюджет даромадлари хавфсизлигини таъминлашда асосий ўрин тутадиган солик сиёсатини тўғри амалга ошириш ўта муҳим ишдир. Бу жараёнда солиқлар ставкаси ва миқдорини шундай оптимал даражада танлаш лозимки, у даромадлар миқдорининг юқори нуқтасини белгиласин.

Маълумки, жаҳон амалиётида солик юкининг ЯИМдаги улуши 20-25 фоиз атрофида тебраниши мақбул ҳолат деб баҳоланади. Чунки у белгиланган кўрсаткичдан, яъни 20 фоиздан паст бўлса, давлат бюджетининг макроиктисодий харажатларни қоплай олиш кафолати таъминланмайди. 25 фоиздан кўп бўлиши эса солик юкининг ҳаддан ташқари ортиб бориши ва иқтисодий ўсишнинг секинлашиши каби таҳдидларни вужудга келтиради.

Иқтисодиётда солик юки сўнгги йилларда турли даражада ўзгариб бормоқда. Бу натижаларни чегаравий қийматларга солиштирсак, республикамизда солик юки даражаси нормал ҳолатда дейиш мумкин.

Макро даражада солик юкини аниқлашдан асосий мақсад - мамлакатнинг келгуси даврга солик сиёсатини ишлаб чиқиш, солик ва бюджет тизимларини мувозанатлаштиришдан иборат.

Мамлакатимизда солик юки 2017 йилда 18,9 фоизни ташкил этди. Республикаизда солиқлар ставкаси ва солик юки дунё мамлакатларининг

ўртacha даражасидан анча паст. Американинг "Heritage" жамгармаси ва Wall Street Journal томонидан чоп этилган "Иқтисодий эркинлик индекси 2013" номли маърӯзасида дунёнинг 177 та мамлакатининг солиқ юки кўрсаткичлари тахлили кўйидаги жадвалда келтирилди:

3.2-жадвал.

Солиқ ставкалари ва солиқ юкини солиштирма тахлили

№	Кўрсаткичлар номи	177 та мамлакатнинг ўртacha кўрсаткич лари	Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги кўрсаткичлари	Фарки (+,-)
1.	Фойда солиги ставкаси	24,3	8	-16,3
2.	Жисмоний шахсларнинг даромадидан солиқ ставкасининг ўртacha даражаси	28,4	15,2	-13,2
3	Солиқ юки (соғ солиқ юки)	22,4	20,5	-1,9

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2013 йилда фойда солигининг ставкаси дунёнинг ўртacha даражасидан 16,3 пунктга, солиқ юки эса 1,9 пунктга кам. Бу республикамиз иқтисодиётини юқори суръатлар билан ривожлантириш натижасидир.

Шуни алоҳида кайд этиш керакки, республикамизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш даражаси 2017-йилда 5,3 фоизни ташкил килди.

Бутун Жаҳон банкининг хисоботига кўра, бу кўрсаткич МДХ мамлакатлари ичida Туркманистондан (9%) кейин иккинчи уриндир. Республикамиз ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 2017-2021 йилларда 7,4 фоиз булишини прогноз килмоқда. Нуфӯзли банкнинг йил бошидаги прогноз кўрсаткичлари йил охирида юқори ўсиш билан ўз аксини топади, деган фикрдамиз.

Солиқ юки категориясини илмий жихатдан тадқиқ этганда классикларнинг фикрларини урганиш мақсадга мувофиқдир.

А. Смитнинг назарияси буйича, солиқ юкининг пасайишидан давлат купрок ютади, яъни солиқ юки пасайиши билан хужалик субъектларда купрок маблағ қолади, уларни ишлаб чиқаришга, кенгайтиришга сарфлаш асосида янада купрок даромад олади ва бюджетга кушимча даромад тушади.

Америкалик иқтисодчи А.Лаффернинг солиқ юки тўғрисидаги “эгри чизик” назариясининг иқтисодий мохияти куйидагича: солиқ юкининг пасайиши хусусий секторнинг инвестиция фаолиятига ижобий таъсир килади. Унинг фикрича, солиқ юки канча юқори булса солиқ тулашдан кочиш кучаяди. А.Лаффер назарияси буйича, солиқлар миқдорини ошиши, хуфиёна иқтисодиётнинг ўсишига олиб келади, оқибатда, олинган даромаддан бюджетга солиқ келиб тушмайди. Унинг фикрича, солиқ юкининг даражаси 30 фоизгача булганда давлат бюджетининг даромад кисми яхши (кулай) шаклланади.

Солиқ юки буйича рус иқтисодчиларининг фикрларини келтириб утамиз:

А.В.Брызгалиннинг қарашicha; солиқ юки - бу умумлаштирувчи кўрсаткич булиб, солиқ йигимларининг умумий суммасини жами миллий маҳсулотга нисбати оиласан аникланади.

В.Г.Пансковнинг фикрича, мамлакат даромадида, солиқ юкини аниклашда туланган солиқлар суммасини ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ)нисбати кўрсаткичи кулланилади.

Профессор Т. С. Маликовнинг фикрича: “Мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) таркибидаги солиқлар миқдорининг ЯИМ миқдори (хажми) га нисбати солиқ юки дейилади”.

Юқоридагиларни умумлаштирган холда, солиқ юки тушунчасига таъриф беришга харакат киламиз. Бизнинг фикримизча, солиқ юки бу - солиқлар ва бошка мажбурий туловлар буйича хисобланган суммаларнинг харажат сифатида тан олинган миқдорини сотилган маҳсулот (бажарилган ишлар ва курсатилган хизматлар) суммасига нисбатидир.

Шуни алохида кайд этиш керакки, барча солиқлар буйича хисобланган суммалар харажатлар сифатида тан олинмайди. Жумладан, ҚҚС, Акциз солиги, ишчи- хизматчиларнинг даромадидан олинган солиқлар.

Шунинг учун корхона даражасида солиқ юки аниқданганда хисобланган солиқ ва бошка мажбурий туловларнинг фойда ва харажатларга олиб борган кисми хисобга олинади. Булар охир-оқибатида, хужалик юритувчи субъектларнинг якуний молиявий натижасига таъсир килади.

Лекин амалиётда солиқ юкини аниқдашда барча солиқлар ва бошка мажбурий туловлар суммасининг йигиндисини олишиб, солиқ юки бунча булди дейишади. Аслида эса, юқорида кайд этилгандек, харажатлар сифатида тан олинган суммалар олиниши зарур.

Микро даражада, яъни хужалик юритувчи субъектлар даражасида, солиқ юкини хисоблашда хам қарашлар турлича, турли кўрсаткичларга нисбатан аниқлаш услублари мавжуд.

Илмий адабиётларни урганиш натижасида куйидаги услублар билан солиқ юки миқдорини аниқлаш тавсия этилган.

Рус иқтисодчилари М.И.Литвеен, С.А.Кирова, А.Кадушин ва Н.Михайловалар солиқ юкини хисоблашда солиқларни яратилган кушилган кийматга (кўрсаткичига) нисбатан аниқлашни таклиф этишган.

М.И.Крейнина эса умумлаштирувчи кўрсаткич сифатида фойда кўрсаткичи моделини тавсия этган булса, бошка иқтисодчилар маҳсулотни сотищдан тушган тушумга нисбатан хисоблаш моделини илгари суришган.

Республикамида хам корхона даромадида солиқ юкини хисоблашда хар хил услублар кулланилади.

Бизнинг фикримизча, солиқ юкини хисоблашда маҳсулотни сотищдан соф тушум кўрсаткичига нисбатан аниқлаш мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз. Чунки бу кўрсаткичга нисбатан солиқ юки даражасини аниқлаш, хужалик юритувчи субъект соф тушумининг канча фоизи солиқлар ва бошка мажбурий туловлар сифатида харажатларга олиб боришни характерлайди. Мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоги булган пахта

саноати корхоналарида бюджетга солиқлар ва бошка мажбурий туловлар буйича харажатларнинг тахлилини куриб чикамиз.

3.3-жадвал.

Сариосиё туман корхоналарида солиқ юкини ифодаловчи кўрсаткичлар тахлили

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	A1	A2	A3
1	Маҳсулот сотишдан соғ тушум	16 344 669	25 697 587	27 684 745
2	Фойда солиги	54217	95 623	107 122
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги	231 304	388 138	217 623
4	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратўзилмани ривожлантириш солиги	10 079	10 079	24 876
5	Кушилган киймат солиги	1 978 124	1 273 437	1 068 668
6	Сув ресурслардан фойдаланилганлиги учун солиқ	218	2 122	3 931
7	Мол-мулк солиги	156 345	139 719	229 229
8	Ер солиги	173 436	202 100	175 793
9	Бошка солиқлар	101 885	5 841	111 737
10	Солиқлар буйича харажатлар	2 705 608	2 117 770	1 938 976
11	Соф солиқ юки	16,55	8,24	7
12	Йул жамгармасига мажбурий ажратма	228 825	360 735	387 586
13	Пенсия жамгармасига мажбурий ажратма	261 515	412 268	465 572
14	Таълим жамгармасига мажбурий ажратма	81 723	128 834	138 424
15	Ягона ижтимоий тулов	386 138	789 802	463 787
16	Импорт буйича божхона божи	-	8 119	-
17	Махаллий йигимлар	-	327	-
18	Мажбурий туловлар буйича жами:	958 201	1 700 085	1 455 369
19	Солиқлар ва бошка мажбурий туловларнинг жами	3 663 809	3 817 855	3 394 345
20	Ялпи солиқ юки	20,01	14,86	12,26

21	Бюджетга туловларни кечикирилганлиги учун молиявий жазо		3 180	6 132
----	---	--	-------	-------

Маълумотлардан куриниб турибдики хисобот йилда А1 корхонасида солиқ юки бошка корхоналарга нисбатан юқори, асосий сабаби кушилган киймат солиги буйича куп солиқ хисобланганлигидир. Шунинг учун хам бу корхонада кушилган киймат солиги буйича харажатларни чукуррок тахлил килиш ва сабаб хамда таъсир этувчи омилларни аниқлаш зарур.

А1 ва А2 корхоналари бюджетга солиқлар ва бошка мажбурий туловларни ўз вактида туламаганлиги учун молиявий жаримага тортилган, яъни кечикиб туланганилиги учун пеня хисобланган. Пеня суммаси А2 корхонасида хисобот йилида 3,2 млн. сумни, А3 корхонасида эса 6,1 млн. сумни ташкил этган. Бу бевосита корхоналарнинг молиявий натижаларига салбий таъсир курсатган. Юқоридаги молиявий жарималарга йул куймаслик хисобидан А2 корхонада солиқ юки 0,01 фоизга, А3 корхонада эса 0,02 фоизга пасайтириш мумкин эди.

3.3. Солиқ юкини пасайтиришда солиқ имтиёзларини таъсирини ошириш истиқболлари.

Жаҳон тажрибасининг курсатишича, иқтисодий ривожланишининг маълум даражасига етишида давлат зиммасига ижтимоий ва давлат ахамиятидаги бошқа вазифаларни ёчиш учун молиявий маблагларни марказлаштиришни кучайтириш иши юклатилади.

Бу борада бизнинг мамлакатимиз ижтимоий йуналтирилган бозор тизимиға эволюцион тарзда утишни уз олдига мақсад қилиб куйган экан, давлат уз фукароларига таълим, согликни саклаш ва бошқа ижтимоий хизматларни бепул амалга оширади ва шунга мувофиқ тарзда бюджетдан молиявий маблаглар талаб этилади Албатта, бу тадбирларни амалга ошириш корхоналар зиммасидаги солиқ юкининг нисбатан юқори булишини белгилайди.

Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида эса, корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтириб бориш мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йуналишларидан бири хисобланади. “Солиқ тизимини узгартиришда асос қилиб олинган бош тамойил-корхоналар зиммасидаги солиқ юкини кескин камайтиришдир”¹⁶ деган фикрлар доирасида олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш лозимлигини курсатади.

Корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш нафакат мамлакатимиз иқтисодий сиёсати, балки олимларимиз тадқиқотларининг хам диккат марказида булиб келмоқда. Хусусан, Т.С.Маликов. К.А.Яхъёевларнинг қатор макола ва ри-солалари айнан шу мавауни ёритишига каратилган. Жумладан, солиқ имтиёzlари муаммоси ва уни такомиллаштириш масзлзсини профессор К.А.Яхъёев куйидагича ифодалайди, яъни бир солиқ толовчи зиммасидаги солиқ юкини пасайтирилиши бошқа бир солиқ толовчи солиқ юкини купайтиради. Бунинг натижасида бозор учун муваффакиятли ишлаётган корхоналар имтиёзга эга булганлар хисобига бу руйхатдан тушиб колишади. Шунинг учун

¹⁶ И.А. Каримов. Узбекистан буюк келажак сари. - Т.,Ўзбекистан, 1998., 359-бет.

солиқлардан бериладиган имтиёзлар хар доим хам кутилган натижани бермаслиги мумкинлигини эсдан чикармаслик лозим. Муаллифнинг фикрича, албатта имтиёзлар зарур, факат улар вактинчалик булса ва ихтисослашган корхоналарга берилса, айтайлик, ногиронлар жамиятига кулланилса, мақсадга мувофиқ. Муаллиф, агар имтиёзлар давлат бюджети харажатларининг кискариши хисобига берилишини инобатга оладиган булсак, улар катта макроиктисодий ахамиятга эга деган фикрни келтиради.

Юқоридаги фикрнинг мантикий давоми сифатида айтиш мумкинки, корхоналар зиммасига тушадиган солиқ юкига куйидаги солиқлар узининг сезиларли таъсирини утказади:

1. Эгри солиқлар: ККС, акциз ва божхона божлари;
2. Даромад (фойда) солиғи (Солиқ базасига кайта кушилувчи харажатлар билан бирга);
3. Соф фойдадан туландиган Солиқлар;
4. Мулкий ва ресурс солиқлари.

Маваумиз талабларидан келиб чиккан ҳолда, корхоналар зиммасидаги солиқ юкини пасайтиришда ККС нинг ролини куриб утиш билан кифояланамиз.

Эгри солиқлар таркибиға киравчи солиқларни истемолчи зиммасига тўғридан-тўғри утишини хисобга оладиган булсак, уларнинг корхона молиявий ахволига таъсири сезиларсиздек куринади.

Яна бир муҳим жихат мавжудки, эгри солиқларнинг урнатилиши нархларни максимал даражага олиб боради. Бу эса уз-узидан фойда олиш имкониятини чеклайди. Бу айниқса, харид қобилиятининг чекланганлиги, аҳолининг асосий қисми даромадининг паст булган шароитида анча сезиларли булади. Шунинг учун эгри солиқларни хам корхона зиммасига тушадиган солиқ юкига таъсири жуда кучли дейиш мумкин.

Илмий адабиётларда солиқ имтиёzlари солиқ юкини камайтиришда узига хос уринга эгалигини куп учратганмиз. Лекин солиқ имтиёzlари хар доим хам солиқ туловчилар зиммасидаги солиқ огирилигини пасайтиришга

олиб келмаслиги мумкин. Айниқса, қушилган киймат солиғи буйича берилган имтиёзлар корхоналар зиммасига күшимча юк сифатида тушмокда. Маълумки, қушилган киймат солиғи (ККС) эгри солиқлар таркибиға кириб тайёр маҳсулотни охирги истеъмолчига етиб боришининг хар бир босқичида унинг кийматига қушилади ҳамда бу солиқнинг ҳакикий туловчиси охирги истеъмолчи хисобланади.

ККС солиғи буйича берилган имтиёзлар корхонанинг солиқ юкини камайтириш урнига уни купайтиrmокда, десак булади. Бу ҳолатда ишлаб чиқариш ресурсларини ККС сиз олаётган корхона ҳам узи учун, ҳам ККС дан озод булган корхона учун бу Солиқни тулайди Бундан шу нарса келиб чикадики, ишлаб чиқариш жараёнининг бир циклида туланмаган ККС унинг кейинги циклига утмоқда. Соддалаштирилган тизимга утиб ишлаётган кичик корхоналаримиз айнан мама шу муаммо билан рубару келишмокда. Шу уринда уз-узидан ишлаб чиқарувчилар учун ККС дан озод килиш качон самарали булиши мумкин деган савол туғилади. Бизнингча, ККС солиғидан озод булган ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини жисмоний шахслар уз истеъмоллари учун харид килсаларгина, корхонага берилган имтиёз самарали булиши мумкин.

Кушилган киймат солиғидан озод қилиниши, алохида Солиқа тортиш тартиби ККСнинг товарлар баҳосига ва хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқдан озод қилинган ишлаб чиқариш фаолиятига таъсири катта булади. Алохида солиққа тортиш тартиби жорий қилинган корхоналарни ККС туловчиси сифатида руйхатдан утказиш лозим. Бу нарса шунингдек, республикада ички хўжалик юритишида олиб борилаётган барча хисоб-китобларнинг тўғри ва бир хил меъёрий хужжатга амал қилишларини, хўжалик юритувчи субъектларни узаро хисоб-китобларда тушунмовчиликларга йул қўймаслик ва унинг орасидан хар хил суиистеъмолликнинг олдини олишга замин яратади деган фикр билдирамиз.

Амалдаги солиқ тизими солиққа тортиш назарияси талабларига жавоб бериши лозим. Бунга мисол тарикасида мамлакатимизда ККС базасига

нафакат фойда ва иш хаки, балки амортизацион чегирмалар хам киришини айтиб утиш лозим. Бундан ташкари, бу солиқ базасига акциз, шунингдек, божхона туловлари (бу туловнинг янгидан яратилган кийматга хеч қандай алокаси йук) киради. Солиққа тортишнинг назариясига зид равища битта солиқ оркали бошқа солиқ туловлари - акциз ва божхона божи солиққа тортилмокда.

Солиқдан берилган имтиёзлар таъсирини хўжалик фаолиятини ва махсулот баҳоси антимонопол конунлари билан тартибга солинадиган корхоналарда хам кузатиш мумкин. Бу корхоналар шахарда пассажир ташиш билан шугулланувчи, уй- жой курилиши билан шугулланадиган корхоналар булиши мумкин. Бу корхоналарга амалдаги солиқ конунчилигига асосан солиқ имтиёзлари берилган.

Шунингдек, асосий фондлардан ККС олиш билан алокадор муаммо хам мавжуд, яъни корхона асосий фонд сотиб олаётганида унинг таркибида ККС хам ётади, унинг бу харажатлари кейинчалик амортизация куринишида копланади. Бунинг натижасида корхона маблаглари қандайдир даражада кадрсизланиб, маълум йукотишлар булиши мумкин. Шу билан бирга, купгина хўжалик субъектларида оборот маблаглар етишмаётган шароитда юқоридаги масаланинг молиявий ахамиягини англаш кийин эмас.

Шундай қилиб, қушилган киймат солиғи буйича берилган имтиёзларнинг корхоналар зиммасидаги солиқ юкига таъсири сезиларли деган фикрни ифодалаб, айрим солиқ туловчи гурухларнинг бу солиқдан озод қилиниши куйидаги салбий натижаларга олиб келиши мумкин эканлигини зътироф этиш лозим:

- Солиқ туловчи хом ашё, материаллар ва ярим фабрикатларни сотиб олаётганда 20 фоизли ККС билан биргаликда сотиб олади. Туловчининг бу солиқ туридан озод этилганлиги натижасида махсулот киймати таркибидаги ККС унинг таннархига олиб борилади ва корхонанинг ишлаб чиқариш харажатлари купаяди хамда фойда нормаси камаяди,

- ККС дан озод булган солиқ толовчи уз махсулотини ККС толовчи булган корхонага сотад ва натижада корхона ККСни хисобга олиш хукукидан маҳрум булади ҳамда солиқни хисоблаш занжири узилади;

Бу солиқ тури буйича солиққа тортишнинг такомиллашуви бутун солиқ тизимининг самаралирок ишлашига асос булиб хизмат килиши мумкин. Бизнингча. бу икки йуналишда:

биринчидан, ККС ставкасини аста- секинлик билан пасайтириш оркали;

иккинчидан, ККС базаси таркибини тартибга солиш оркали, яъни унинг базасидан хеч булмагандан акциз ва божхона божини чикариб ташлаш билан амалга оширилади.

Кушилган киймат солиғи буйича имтиёз берилаётганда, имтиёз мақсадли берилиши керак. Агар аҳолини ижтимоий химоя қилиниши учун солиқдан имтиёз бериладиган булса, у бевосита аҳоли томонидан туланадиган хизматлар учун берилиши керак, яъни, имтиёз охирги сотув учун берилса, мақсадга мувофиқ булар эди.

IV.Боб. Сурхондарё вилояти Сариосиё туман ДСИда ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташқил этиш йўллари

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутади, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов мазкўр масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бераб, республикамиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил оғатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин куроллари ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муофазаси янги ижтимоий-итисодий зарурият асосида шаклланмоқда, мамлакатимизни ва ахолини турли фалокатлар ва алокатлардан сақлаш уларнинг меҳнатини, яшашини муҳофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий оғатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, ҳалқ ҳўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, заарар кўрган ҳудудларда қутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий оғатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар қўламини қисқартиришга еришиш мумкин.

4.2. Сурхондарё вилояти Сариосиё туман ДСИ ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва заҳарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий қўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий қўрикдан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутади.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишида уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ)¹⁷ кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

ФМнинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кўзатиладиган табиий оғатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият қўрсатишини таъминлаш, қутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут

¹⁷ Фуқаро муҳофазаси кейингиларда-ФМ

ёки соат ичидә жуда катта миқдордаги халқ бойлеклари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарлы ҳид ҳамда газлар атмосферага қўтарилиб, ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кўраш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усуllibарини меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қиласди.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкини қўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суюнган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташқил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим обьектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат обьектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Ёнғин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда ёнғин муҳофазаси ва обьектни қўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнғин муҳофазасини ташқил қилиш ва ёнғин чиқишини огоғлантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, хал мулкини асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Омборхона, устахоналардаги ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги обьектларининг ёнғин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнғинга қарши кўраш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки

асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташқилий тадбирларнинг режали мажмуи;
- иккинчидан, обьектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташқил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинг арши кўраш бошқармасининг вазифаси давлат мулкини, фуқаролар шахсий мулкини ёнғиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташқилотлари ташқилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;
- саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойихалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;
- Ҳамма ташқилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини қаттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташқилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;
- корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан обьектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда хужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;
- ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий

фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

- ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;
- ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигига айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш жиҳатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ҳар қандай обьектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши кўрашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажralиб чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момик юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташқил этади. Тажрибаларнинг кўрсатишича корхона цехларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м²/мин. ни ташқил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуатсия қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қиласи. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишидир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнғин қўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва

кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуатсия қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш штабига корхона маъмурияти вақилларини жалб қилиш кўзда тутилади. Бунда ёнғин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнғин жиҳатидан хавфсизлиги корхона худудида бинолар, автомобил йўллари, термийўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона худуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Ёнғин жиҳатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гурухланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнғин хавфи белгиларидан келиб чиқсан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

4.3. Сурхондарё вилояти Сариосиё туман ДСИда фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари

Фавқулодда вазият (ФВ)¹⁸ — маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги оғатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий мухитга сезиларли моддий зарар этказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир. Фавқулодда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига қўра, қўйидаги гурухларга бўлинади:

- а) тасодифий ФВ — ер силкиниши, портлаш, транспорт воситалардаги авариялар ва бошқалар;
- б) шиддатли ФВ — ёнғинлар, заҳарли газлар отилиб чиқувчи портлашлар ва бошқалар;
- в) мўтадил (ўртача) ФВ — сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чиқувчи авариялар ва бошқалар;
- г) равон ФВ — секин-аста тарқалувчи хавфлар: қургоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Фавқулодда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар сонига ҳамда моддий йўқотишлар миқдорига қараб) кўра 4 гурухга бўлинади:

- 1 Локал (объект миқёсидаги) ФВ;
- 2 Маҳаллий ФВ;
- 3 Республика (миллий) ФВ;
- 4 Трансчегаравий (глобал).

Локал Фавқулодда вазият — бирор объектга тааллуқли бўлиб, унинг миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият павдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан

¹⁸ Фавлукотда вазият кейингиларда-ФВ

ортиқ бўлмаган миқдорни ташқил этган ҳисобланади. Бундай ФВ оқибатлари шу объект кучи ва ресурслари билан тугатилади.

Маҳаллий тавсифдаги Фавқулодда вазият — аҳоли яшайдиган худуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарап Фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп бўлмаган миқдорни ташқил этган ҳисобланади.

Республика (миллий) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда — Фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарап ФВ пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортигини ташқил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган, республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади. Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда эса, оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон худудига дахлдор ҳолат тушунилади.

Эпидемия — одамларнинг гурӯҳ бўлиб юқумли касалланиши, уларнинг заҳарланиши (заҳарли модда билан ҳамда озиқ-овқатдан оммавий заҳарланиш); эпизоотия — ҳайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд бўлиши; Эпифитотия эса ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлишидир.

Техноген тусдаги Фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазиятлар киради:

1) Транспортлардаги авариялар ва ҳалокатлар — экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки қаттиқ шикастланишига ҳамда қидирув ва аварияқидирув ишларини талаб қиласидиган авиа ҳалокатлар;

Ёнфинга, портлашга, харакатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг ҳалокат худудидаги темир йўл

платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларила бўлган одамлар ўлимига, шунингдек, ташланган кучли таъсир кўрсатувчи заҳарли модда (КТЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг заҳарланишига олиб келган темир йўл транспортвдаги ҳалокат ва фалокатлар;

Портлашларга, ёнгинларга, транспорт восигаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг заарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, заҳарланиши)га сабаб бўладиган автомобил транспортининг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан, йўлтранспорт ходисалари;

Одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва заҳарланишига, метрополитен поездлари парчаланишига олиб келадиган метрополитен бекатларидаги ва тунелларидаги ҳалокатлар, авариялар, ёнгинлар;

Газ, нефт махсулотларининг отилиб чиқишига, очик нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал қувурлардаги авариялар.

2) Кимёвий хавфли обьектлардаги авариялар:

Теваракатроф табиий мухитга таъсир қилувчи заҳарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тақдирда, йўл қўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ микдорда санитария — ҳимоя ҳудудидан четта чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли обьектлардаги авариялар, ёнгин ва портлашлар.

3) Ёнгин, портлаш хавфи мавжуд бўлган обьектлардаги авариялар: Технологик жараёнда портрайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнгин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган обьектлардаги одамларнинг механиқ ва термик шикастланишларига, заҳарланишларига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш захираларининг нобуд бўлишига, Фавқулодда вазиятлар ҳудудларида ишлаб чиқариш маромининг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ёнгинлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, заҳарланишига ва ўлимига олиб келадиган ҳамда қидиув-қутқариш ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишининг махсус анжомларини ва воситаларини қўллашни талаб қилувчи кўмир шахталаридаги ҳамда конруда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнғинлар ва жинсларнинг қўпорилиши.

4) Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар: Саноат ва қишлоқ-хўжалиги махсулотлари истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ГЕС, ГРЕС, ИЭСлардаги, туман иссиқлик марказларидаги электр тармоқлардаги буғқозон қурилмаларидаги, компрессор, газ тақсимлаш шахобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар, ёнғинлар, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келадиган газ қувурларидаги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, қанализация ва бошқа коммунал объектлардаги авариялар;

Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдиувчи даражада концентрациядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5) Бино ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:

Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан аварияқутқарув ўтказилишини ҳамда зарар кўрганларга шошибинч тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиласиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек, уй-жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ходисалар.

6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жихатдан зарарли моддалардан фойдаланши ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:

Санитария-химоя худуди ташқарига чиқариб ташланиши натижасида пайдо бўладиган юқори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл кўйиладиган қўп миқдорда нурланишини келтириб чиқардиган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган обьектлардаги авариялар; радиоактив материалларни ташиш вақтидаги авариялар; радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши; биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишни амалга оширувчи илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф-мухитга чиқиб кетиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

7) Гидротехник иншоотлардаги ҳалокатлар ва авариялар: Сув омборларида, дарё ва қаналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги йўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келадиган ҳамда сув босган худудларда одамлар ўлимига, саноат ва қишлоқ хўжалиги обьектлари ишининг, ахоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ва шошилинч кўчириш тадбирларини талаб қиласидаган ҳалокатли сув босишлари.

Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар. Экологик тусдаги ФВлар асосан 3 хил бўлади:

1. Куруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар: ҳалокатли кўчқилар — фойдали қазилмаларни қазиш чоғида ер остига ишлов берилishi ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;

Тупроқ ва ер саноати туфайли келиб чиқадиган токсиқантлар билан ифлосланиши, оғир металлар, нефт махсулотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиги учун хавф солувчи концентрацияларда қўлланиладиган пестициidlар ва бошқа заҳарли химикатлар мавжудлиги.

2. Атмосфера (ҳаво мухити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар:

Ҳаво мухитининг қуидаги ингридиэнтлар билан экстремал юқори

ифлосланиши:

- олтингугуртли оксид, азотли оксид, углеродли оксид, диоксид, курум, чанг ва одамлар соғлигига хавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа заарли моддалар;
- кенг қўламда кислотали ҳудудлар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;
- радиациянинг юқори даражаси.

3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:

Ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ-хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари;

Нефт махсулотлари, одамларнинг заҳарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган, таркибида оғир металлар, ҳар хил заҳарли химикатлар мавжуд чиқиндилар ва бошқа заарли моддалар билан экстремал юқори даражада ифлосланиши;

Бинолар, мухандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг эмирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар миқдорининг ортиши;

Сув манбалари ва сув олиш жойларининг заарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувининг кескин етишмаслиги.

Ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташқилоти — БМТ бўйича фавқулодда вазиятларнинг тавсифига яна қўшимча қилиб:

- а) ижтимоий-сиёсий тавсифдаги ФВ;
- б) ҳарбий тавсифдаги ФВ ни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бизнинг минтақада 7 хил ФВ турлари тасдиқланган:

1. Зилзилалар, ер сурилиши;
2. Сел, сув тошқинлари ва бошқалар;
3. Кимёвий хавфли объектларда авария ва фалокатлар (ўткир заҳарли моддаларнинг ажralиб чиқиши);
4. Портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд объектлардаги авария ва фалокатлар;

5. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатлар;

6. Хавфли эпидемияларнинг тарқалиши;

7. Радиоактив манбалардаги авариялар.

Фуқаро муҳофазаси давлат тизимлари — ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврида ҳам юзага келадиган хавфлардан ахолини, ҳудудларни, моддий бойликларни муҳофаза қилишда муҳим вазифаларни бажаради. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилган «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги қонунида ўз аксини топган.

4.4. Сурхондарё вилояти Сариосиё туман ДСИ да фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари.

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-кувватни тиклаш, санаторий-кўрорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек bemorlarни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришлиш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий сугўрта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташқилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа маҳсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқقا эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертиздан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатdir.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва қўйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғриқ қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учриш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимиirlамайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкасидан ўтказиш.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами қўрсатишга киришилар эқан, айрим усул-амалларнинг тартибини белгилаб олиш керак. Чунончи, сон суяги очиқ синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга стерил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимиirlамайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимиirlамайдиган қилиб қўйиш учун маҳсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

Хулоса ва таклифлар

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида маҳсулотни сотишдан келадигач соф тушум купайишининг давлатга тегадиган нафи шундаки, у қанча ошиб борса, солиқ юки камайган ҳолда унинг суммаси мос равища купайиб боради. Маҳсулотни сотишдан келадиган соф тушумнинг купайишининг жамиятга фойдаси шундаки, умумий яратилган ялпи ички маҳсулот ошиб боради, ички бозоримиз товарларга туйиниб боради ва ниҳоят шу корхонада ишлаётган ходимларнинг фаровонлиги ҳам ошиб боради.

Бизнинг фикримизча, солиқ харажатларини моддалар буйича тахлил килиш ва унинг натижалари асосида солиқ юкини оптималлаштиришни амалиётга жорий этиш бевосита корхоналарнинг молиявий натижаларини яхшилашга олиб келади. Бу эса хозирги шароитда корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлайди, натижада бюджетга купрок солиқ ва бошка мажбурий туловлар тушади.

Бизнинг фикримизча, мамлакат макроиқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва иқтисодиётни солиқларнинг юки орқали тартибга солища солиқ юкини тақомиллаштиришда қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- солиқларнинг туловчиларга тушадиган солиқ юкини камайтиош ёрдамида иқтисодиётда кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожланишини таъминлаш;
- хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини бундан кейин ҳам камайтириб бориш йўли билан улар ихтиёрида қоладиган маблағларни айнан, фаолиятни кенгайтириш орқали қўшимча иш ўринларни яратиш, техник модернизациялаш ва инновацион фаолиятга йўналтирилишини таъминлашга эришиш;

- солиқларни ҳисоблаш ва ҳисобини юритишни ихчамлаштириб бориш ҳамда уларни бюджеттега ундириш механизмини такомиллаштириш;
- солиқ имтиёзлари ва преференцияларни унификациялаш орқали берилиши орқали хўжалик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш;
- хўжалик юритувчи субъектлар, аҳоли билан солиқ органлари ўртасида солиқ муносабатлари борасида online интерактив хизматларни ривожлантириш;
- солиқ маъмурчилигини соддалаштириш ва такомиллаштириб бориш лозим.

Юқорида келтирилган фикрларимизни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, солиқ толовчилар тулайдиган солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва прогноз қилиниши бюджеттега солиқ тушумларини ўз вақтида тушишига, солиқни ҳисоблашда оптимал усуллардан фойдаланиш ҳамда солиқ ставкасининг мақбул вариантини амалиётга қўлланилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга ҳизмат қиласи.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидан келиб чиккан ҳолда, шуни айтиш керакки, солиқ юкини ошиб кетишига олиб келувчи айрим имтиёзларнинг бекор қилиниши, корхоналарга бир хилдаги солиқ сиёсатини юритиш, пировард натижада, корхоналар зиммасидаги солиқ юкини пасайтириш учун хизмат қиласи. Натижада солиқ юки иктисадиёт тармоклари ва тадбиркорлик субъектлари буйича мутаносиб таксимланади, миллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини ривожлантиради ва уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ракобатбардошлигини оширади. Келгусида бу тадбирлар нафакат солиқ юкини пасайтириш орқали бюджетнинг даромад қисмидаги йукотишларнинг урнини коплади, балки ишлаб чиқаришнинг ўсиши эвазига унга солиқ тушумларини янада купрок тушишига олиб келади.

Солиқ тизимидағи ислоҳотлар макроиктисодий барқарорликни таъминлашда муҳим фискал омиллардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Шуни ҳисобга олган ҳолда солиқ ва солиққа тортиш тизимида қуйидаги масалаларни эътиборга олиш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларини солиқ субъектларининг оилавий ва ижтимоий аҳволи (оила бошлиғи, ёлғиз боқувчи), оилавий даромадларининг таркибига қараб табақалаштириш.

2. резидент жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи базасидан ишчи ва хизматчи ходимларнинг ўрта ва маҳсус таълим муассасалари ҳамда соғлиқни сақлаш ташкилотларига қилган ижтимоий харажатларини йиллик ҳисобланган даромад солиғининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чегириб ташлаш.

3. тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар фаолиятини эркинлаштириш ва солиққа тортиш жараёнларини соддалаштириш мақсадида, солиқ тўлашда уларга айланма суммасига қараб қатъий белгиланган ставкада ёки даромад (харажат)лар ҳисобини юритган ҳолда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларида солиқ тўлаш юзасидан танлаш ҳуқуқини бериш.

Солиқ юкини кескин камайтиришга ва аксарият кичик корхоналарни умумбелгиланган солиқ солиш режимига ўтказиш мақсадида солиқ солишининг умумбелгиланган тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жумладан:

- умумбелгиланган режимда тушум солиқларини бекор қилиш;
- солиқлар сони (жумладан, абонент рақамидан фойдаланиш тўлови каби ғаройибларини) сезиларли қисқартириш;
- солиқ солиш ставкаларини қисқартириш;
- инвестиция харажатларида 100 фоизли амортизация ва ҚҚС қайтарилиши тамойилларини жорий қилиш.

2. Солиқ солишининг соддалаштирилган режимида фаолият юритувчи корхоналарнинг ҚҚСга ўтишини рағбатлантириш. Ёки чакана савдога солиқлар фойдасига ҚҚСдан воз кечиши.

3. Мехнатга солиқларни кескин камайтириб, даромад солиғи тўлашнинг “текис” шкаласига ўтиш.

4. Индивидуал ва тармоқ солиқ имтиёзларидан воз кечиш.

5. Истиқболда – солиқ солишининг турфа режимлари сиёсатидан воз кечиш.

6. Солиқ маъмурияти ва солиқ ҳисботи тизимларини соддалаштириш.

Бизнинг фикримизча, солиқ юкини хисоблашда маҳсулотни сотишдан соф тушум кўрсаткичига нисбатан аниқлаш мақсадга мувофик деб хисоблаймиз. Чунки бу кўрсаткичга нисбатан солиқ юки даражасини аниқлаш, хужалик юритувчи субъект соф тушумининг канча фоизи солиқлар ва бошка мажбурий туловлар сифатида харажатларга олиб боришни характерлайди.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. Ўзбекистан Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2016 й.
2. Ўзбекистан Республикасининг Солиқ Кодекси -Т.: Адолат, 2016 й.
3. “Бюджет кодекси” Ўзбекистон Республикасининг 26 декабрь 2013 йилда ЎРҚ 360 – сонли қонуни билан тасдиқланган. <http://www.lex.uz>;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони.
5. Ш.М.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. www.uza.uz.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли қарори.
8. Каримов И.А. Бosh мақсадимиз - мавжуд кийинчиликларга карамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иктисолиётимизда таркибий узгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йул очиб бериш хисобидан олдинга юришдир. // Халқ сузи, 2016 йил 16 январь, №11, 2-б.
9. Маликов Т. “Солиқ юкининг оғирлигини кескин камайтириш керакми?” Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистан Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. 32-бет.

10. Ш.Тошматов.Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли.-Т “Фан ва технология” 2008 й 129 бет
11. Шамситдинов Ф.Ш., Шамситдинова Ф.Ш. //Чет мамлакатлари солиқ тизими. Дарслик. –Т., 2011.
12. Пансков В., Кынязев В. «Налоги и налогообложение». Учебник. М.: МЦФЭР. 2003.С.61.
13. Брызгалин В. «Налоговая оптимизация: принципы, методы, рекомендации». М.:2002. С.54.
14. Гатаулин Ш.К Солиқлар ва солиққа тортиш. Үқув қулланма. — Тошкент: УзР ДСК- 1996. 30-35-бет;
15. Ниязметов И. Солиқ юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт. Монография. – Тошкент: Молия, 2016. – 192 б.
16. Солиқ, қонунчиліги асослари. Үқув қулланма / Тузувчилар Д.И.Шаулов, У.Т.Кан. Тошкент: «Иқтисодиёт ва хуқук дүнёси» нашриёт уйи, 1999 228 бет.;
17. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение в Российской Федерации. — М.: «Мир книги», 2000. — 64-бет.;
18. Кирова НА. Определения налогового бремя // «Финанси», 1998, 9-сом. 32-бет ;
19. Пансков В.Г. Налоговое бремя Российской налоговой системы // «Финанси», 1998, ИИ-сом. 19-бет.;
20. Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Т.: Ғафур Ғулом, 2000 й. 10-бет.
21. Алимардонов М.И., Худойқулов С.К., Юсупов О.А., Агзамов А.Т., Юридик шахсларни солиққа тортиш. Дарслик. Тошкент-2013
22. Горский И. Налоги: История и современность. В кн.: Налоговое планирование для руководителя и бухгалтера. Т. И. - М., 1997;
23. Пардаев Л.. Азимов Б. Корхоналар фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солиш. — Тошкент: ЗАР ҚАЛАМ 2005 - 8-бет.

24. Басовским Л.Г. Теория экономического анализа. Учебное пособие. — М.: «ИНФРА-М», 2001. — 222-бет.;
25. Савицкая Г.В. Народнохозяйственная деятельность предприятия. Учебное пособие. Минск: ООО «Новое знание», 2000. — 688-бет.;
26. Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник — М.: «ИНФРА-М», 2002. — 333-бет.;
27. Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С., Негашен Е.В Методика финансового анализа. — М.: «ИНФРА-М», 2000. — 208-бет.;
28. Палий В.Ф. Новая бухгалтерская отчетность: содержание методики анализа. — М.: «Контроллинг», 1991 — 64-бет.;
29. Акрамов Э.А. Анализ финансового состояния предприятия. — Тошкент, 2000. — 169-бет.;
30. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. — Тошкент: «Молия», 2003. 224- бет.;
31. Волжин И.О., Эргашбоев В.В. Молиявий таҳлил,— Тошкент: «Иқтисодиёт ва хукук дунёси» нашриёт уйи, 1998.— 254- бет.;
32. Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Дарслик. — Тошкент: «Консаудитинформ-Нашр» нашриёт, 2005. — 346-бет.;
33. Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. Тошкент: «Мехнат», 1995. 60-бет.;
34. Вахабов Д., Иброҳимов А. Молиявий таҳдил. Дарслик. — Тошкент: «Шарқ», 2002. — 224-бет.;
35. Вахабов А.В., Иброҳимов А.Т., Якубов У К. Бошқа тармокларда иқтисодий таҳлилнинг хусусиятлари. Ўқув қўлланма. — Тошкент: ТМИ, 2004. — 148-бет.;
36. Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Бошқарув таҳлили — Тошкент: ТДИУ, 2004,— 140-бет.;
37. Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил назарияси. — Тошкент: ТДИУ, 2004.-91- бет.;
38. Вахабов А., Иброҳимов А., Ҳақимов Б. Иқтисодий таҳлил назарияси. Ўқув қўлланма. — Тошкент: ТМИ, 2003. — 176-бет.;

39. Ибрагимов А.Т., Раҳимов М.Ю. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма.
— Тошкент: ТМИ, 2004. — 104-бет.;
40. Аҳмаджонов Х.И., Раҳимов М.Ю. Молиявий таҳиил. Ўқув қўлланма.
— Тошкент: ТМИ, 2004. — 160-бет.;
41. Санакулова Б.Р. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш. Докторлик диссертацияси автореферати – Тошкент 2016., - 30 б.
42. Абдуллаев Ё., Иброҳимов А., Рахимов М. Иқтисодий таҳлил: 100 савол ва жавоб. Тошкент: «Мехнат», 2001. - 320-бет.;
43. Пардаев М.Қ. Молиявий таҳлил методологияси. — Самарканд: СамҚИ. 1996.— 155-бет.;
44. Пардаев М.Қ Истроилов Б.И. Молиявий таҳлил. Тошкент: «Иқтисодиёт ва хууқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999. — 356-бет.;
45. Пардаев М.Қ., Истроилов Б.И Иқтисодий таҳлил. 1-қисм. Тошкент: «Иқтисодиёт ва хууқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001. — 176-бет.;
46. Пардаев М.Қ., Истроилов Б.И Иқтисодий таҳлил. 2-қисм. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва хууқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001. — 256-бет.;
47. Пардаев М.Қ., Истроилов Б. И Иқтисодий таҳлил. Ўқув кулланма. — Тошкент: «Мехнат», 2004 556-бет.;
48. Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т., Истроилов Б.И. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Тошкент: «Иқтисодиёт ва хууқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2003. 256-бет.; ва х.к
49. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. -Т:. Шарқ, 2009. 236-б.
8. www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайт маълумотлари
9. www.soliq.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси сайт маълумотлари.
10. www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайт маълумотлари.

Сурхондарё вилоятида солик турлари буйича туманлар кесимида 1 апрел ҳолатига бюджетдан қарздорлик тўғрисида маълумот

Т/ р	Худудий ДСИлар номи	жами	шу жумладан солик турлари буйича									
		сумма	КҚС	Акциз	Юридик шахслар учун фойда	Мол- мулк	Ер солик	Сув ресурсла ридан фойдала нганлик учун солик	Жисм оний шахсл ар даром ад солик	Ягона солик тулови	Савдо ва умумий овкатлани ш корхонала ри	Бошка солиқла р
1	Термиз ш	4 223,2	901,4	0,0	127,2	260,0	233,1	1,7	0,0	1 695,6	662,5	341,59
3	Ангор	1 451,0	44,8	0,0	4,1	33,8	1 112,3	7,6	0,0	245,1	11,1	-
4	Олтинсой	2 044,2	112,5	0,0	5,4	25,3	1 647,2	0,1	0,0	185,7	16,7	51,25
5	Бойсун	462,8	25,9	0,0	1,7	5,0	143,7	1,3	0,0	258,7	19,6	7,07
6	Музрабод	3 902,3	401,5	0,0	13,2	968,8	1 995,6	8,9	0,0	463,4	17,7	33,22
7	Денов	5 387,6	223,6	0,4	31,6	35,0	3 216,8	9,1	0,0	867,7	72,3	931,00
8	Жарқурғон	2 217,7	707,7	0,0	162,8	59,1	628,8	2,7	0,0	514,5	19,9	122,14
9	Қумкургон	2 716,5	111,0	3,0	18,2	124,5	1 679,0	1,2	0,0	657,7	33,0	88,81
10	Қизириқ	2 182,5	24,0	0,0	0,3	34,4	1 030,4	0,3	0,0	861,9	8,8	222,35
11	Сариосиё	5 108,3	1 822,1	0,0	145,7	206,4	1 685,8	9,2	0,0	432,1	53,0	753,98
12	Термиз	1 701,5	293,0	0,0	3,3	56,3	748,3	3,8	0,0	566,6	17,7	12,55
13	Шеробод	4 746,7	1 392,0	0,0	93,0	1 224,3	1 420,7	4,0	0,0	536,1	31,7	44,95
14	Шурчи	4 196,6	842,3	0,0	0,6	44,5	1 963,7	0,9	0,0	440,4	816,6	87,71
15	Узун	2 809,3	26,3	0,0	26,3	25,2	2 206,9	3,3	0,0	525,0	19,0	- 22,71
жами		43 150,1	6 928,0	3,4	633,7	3 102,7	19 712,3	54,1	0,0	8 250,6	1 799,4	2 673,92

**Сурхондарё вилоятида 2018 йил апрел ойида бюджетга ундириладиган даромадлар бўйича
МАЪЛУМОТ**

№	Туман ва шаҳарлар номи	2018 йил апрел ойида (маҳаллий)				2017 йилнинг мос давридаги тушум	Фарқи	
		Режа	тушум	фарқи	Ижро %		сумма	%
1	Вилоят бюджети	69 090,6	86 764,2	17 673,6	125,6%	15 781,3	70 982,9	550%
2	Термиз шаҳри	1 590,0	1 840,3	250,4	115,7%	5 461,3	-3 621,0	34%
3	Олтинсой тумани	1 279,7	1 511,4	231,6	118,1%	2 632,1	-1 120,7	57%
4	Бойсун тумани	988,8	1 349,3	360,5	136,5%	4 348,5	-2 999,3	31%
5	Музработ тумани	936,4	1 176,3	239,9	125,6%	1 976,3	-799,9	60%
6	Денов тумани	2 300,0	2 313,2	13,2	100,6%	13 099,3	-10 786,1	18%
7	Жаркўргон тумани	1 315,7	1 689,4	373,7	128,4%	6 415,9	-4 726,5	26%
8	Қумқурғон тумани	1 244,5	1 275,1	30,6	102,5%	4 256,9	-2 981,7	30%
9	Қизириқ тумани	1 502,7	2 114,8	612,1	140,7%	2 797,3	-682,5	76%
10	Сариосиё тумани	1 460,8	1 912,0	451,2	130,9%	6 057,7	-4 145,7	32%
11	Термиз тумани	868,2	1 078,9	210,8	124,3%	4 082,7	-3 003,8	26%
12	Узин тумани	1 050,5	1 614,1	563,6	153,6%	2 952,7	-2 338,5	55%
13	Шўрчи тумани	1 215,7	1 616,8	401,2	133,0%	4 629,4	-3 012,5	35%
14	Шеробод тумани	1 188,0	1 356,3	168,4	114,2%	4 330,4	-2 974,1	31%
15	Ангор тумани	968,5	1 260,7	292,2	130,2	2 339,9	-1 079,1	54%
	ЖАМИ	87 000,0	108 872,9	21 872,9	125,1%	81 161,6	27 711,4	134%